Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси
1998 йил. 24 ноябр
39 (169)-сон

Одил ЁҚУБОВ:

ҚАРДОШЛИК АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Бугунги кунда Марказий Осиё, хусусан, қадим Туркистон халқлари мустақиллик шарофати туфайли яна ўзининг асл қадриятларини улуғлай бошлади. Шу мақсадда Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси тузилгани эътиборга моликдир. Мазкур халқаро ташкилотнинг бугунги фаолияти ҳақида Ассамблея вице-президенти, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов ЎзА мухбирига қуйидагиларни гапириб берди:

— Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси маданий ва маърифий-маънавий халқаро ташкилотдир. Зотан, Марказий Осиё халқларининг деярли барчаси қон-қардош, дини, урф-одатлари бир миллатдир. Шу боис биз бир-биримиз билан ҳар доим иноқ яшамоғимиз керак. Халқларимиз, айниқса, унинг улуғ фарзандлари, фан арбоблари, санъаткорлари, адиблари, маданият арбоблари ҳамиша бир ёқадан бош чиқариб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб яшашлари, пайдо бўлаётган яхши анъаналар, истеъдодли асарлардан барча Марказий Осиё халқларини баҳраманд этишлари керак. Улуғ аждодларимиз — Навоий, Жомий, Абай меросидан, қирғиз халқ эпоси — Манасдан шундай васиятларни ўқиш мумкин.

Қадим тарихни қўяверинг, ҳатто, ўша собиқ империя замонларида ҳам халқларимизнинг улкан зиёлилари — Ойбек, Ғафур Ғулом, Миртемир, С. Айний, М. Турсунзода, С. Улуғзода, Мухтор Авезов, Собит Муқонов, Абдулла Тожибоев, Али Тўқомбоев, Б. Кербобоев кабилар шу ғоя, шу фикр ва шу эзгу орзу билан яшаганлар. Лекин мустақиллик бизга бу алоқаларни қайтадан, янги мазмунда йўлга қўйишда улкан имконлар яратди. Шу боис бу борада буюк ишлар арафасида турибмиз, десам муболаға бўлмайди.

Маълумки, сўнгги йилларда маданият борасидаги алоқалар бироз сусайгани сезилди. Айниқса, адабий алоқалар, хусусан, таржима ишлари мутлақо тўхтаб қолди. Театр, кино, тасвирий санъат соҳасидаги алоқалар ҳам кўнгилдагидек эмасди. Биз, ўзбек адиблари ана шуни ҳисобга олиб, 1995 йилнинг майида Қозоғистонда бўлиб ўтган Ўзбекистон кунлари чоғида бир ташаббус билан чиқдик. Бу — минтақамиз халқлари, хусусан, қардош халқларимиз ўртасидаги азалий борди-келди, маданий алоқаларни мустаҳкамлаш тўғрисидаги таклифни ўртага ташладик. Бизнинг ташаббусимизни бошқа қон-қардош биродарларимиз ҳам қўллаб-қувватлашди.

Шундан кейин, 1995 йилнинг 21 ноябрида Тошкентда беш мамлакатнинг йирик ёзувчилари, олимлари, санъат ва маданият арбоблари йиғилиб, Туркистон саройида катта қурултой ўтказди. Бу катта байрамга айланиб кетди. Унда жами 400 га яқин киши қатнашди. Ўшанда қурултойга, бу ташаббусни қўллаб-қувватлаб, мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ва минтақамиздаги бошқа давлатлар Президентлари ҳам ўз табрикларини жўнатди. Сўзга чиққан атоқли фан, маданият арбоблари бу ғояни қизғин қўллаб-қувватлашди, мустақиллик берган энг эъзозли неъмат дея эътироф этишди.

Пировардида қардошлар алоқаси ассамблея шаклини олди. Тошкентдаги қурултойда унга президент этиб таниқли ёзувчи Чингиз Айтматов сайланди.

Ўтган уч йил давомида бир қанча муҳим тадбирларни уюштирдик. Мисол учун, Бишкекда зиёлилар, шоир ва рассомлар, санъаткорлар иштирокида катта анжуман ўтказдик. Бу — Чингиз Айтматов раислигида ўтган «Мустақиллик вазиятида маънавият масалалари» мавзуидаги илмий конференциядир. Ассамблея Бош кенгашининг илк мажлиси ҳам ўша ерда бўлди. Кейинги катта тадбиримиз Тошкентдаги Туркистон саройида Марказий Осиёдаги барча мустақил давлатлардан келган шоирлар ва олимлар иштирокида ўтган «Мустақиллик даврида Марказий Осиё шеърияти» анжумани бўлди. Йиғиннинг биринчи қисмида ёш шоирлар мушоираси, иккинчи қисмида эса худди шу мавзу юзасидан илмий анжуман бўлди. Унда Марказий Осиёда давлатларининг таниқли олимлари мавзу юзасидан мунозара қилдилар. Бундай тадбирларнинг ўтказилиши халқларимиз ўртасидаги қардошлик ғояларининг кучайишига хизмат қилади. Айтиш жоизки, бунинг илмий-бадиий аҳамияти ҳам бениҳоя каттадир.

Ўтган йили Ўзбекистон Бадиий Академияси билан ҳамкорликда Тошкентда Марказий Осиё мўйқалам усталарининг асарлари кўргазмасини ҳам ўтказдик. У бир ой давом этди. Унда беш қардош мамлакатнинг таниқли рассомлари билан бирга ёш истеъдодли мўйқалам усталари ҳам ўз асарларини намойиш этди. Шунингдек, 1997 йили Ассамблеямиз Бишкекда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Иссиқкўл Форумининг ўн йиллигини ўтказди. Унда жаҳон адабиётининг энг кўзга кўринган намояндалари билан бирга ўзбек адабиётининг ҳам бир гуруҳ адиб ва олимлари иштирок этдилар. Бундай қатор тадбирлар, жумладан, адиблар ва олимларимиз учрашувлари, давра суҳбатлари, шоирларнинг мушоиралари бу йил ҳам ўтказилди. Ўтган йилдан бошлаб Ассамблеямизнинг нашри — «Марказий Осиё маданияти» газетаси чиқа бошлади. Газета беш тилда чоп этилмоқда ва у Марказий Осиё мамлакатларида қизиқиш билан ўқилмоқда.

Режаларимиз ҳам катта. Янги йилдан бошлаб «Литературный Туркистан» журналини чоп этиш ниятидамиз. Қолаверса, «Мутаржим» номи билан фирма очдик. У бизнинг асосий вазифаларимиздан бири — қардош халқлар адабиётларини бир-бирига ташвиқ ва тарғиб қилиш ишлари билан шуғулланади.

Аброр ҚИЛИЧЕВ
ёзиб олди.
ЎзА



1998 йил — Оила йили

МИЛЛИЙ ТАРБИЯ МАЙДОНЧАЛАРИ

Андижон тумани вилоятдагина эмас, балки республикада ҳам мактаблари ва болалар муассасалари энг кўп туманлардан бири ҳисобланади. Туман ҳокимлиги миллий кадрлар тайёрлаш дастурини бажаришга эрта киришди. Ахир бу ерда оз эмас, кўп эмас 52 та умумий таълим мактаблари, Ўзбекистон-Туркия ўғил болалар гимназияси, мактаб-интернат гимназияси, мусиқа мактаб интернати, мусиқа мактаблари фаолият олиб боради. Ҳар йили 150 нафар талаба қабул қиладиган бизнес мактаби ҳам замонга ҳамқадам ишламоқда.

Миллий кадрлар тайёрлаш ва шарқона таълим беришни таъминловчи вилоят гуруҳи Ҳакан фуқаролар йиғинидаги Зокиржон Иброҳимов номидаги 8-болалар боғчасини янгича таълим-тарбия талабларига тўла жавоб беради, деб топди. Қўшимча бинолар, кичик, ўрта ва тайёрлов гуруҳлари учун махсус майдончалар таъмирланди. Бу ишларда Й. Охунбобоев номидаги, А. Исмоилов номидаги жамоа хўжаликлари, «Намуна» савдо-саноат ишлаб чиқариш бирлашмаси, мактабларнинг меҳнат дарси муаллимлари фаол иштирок этишди.

Яқинда миллий тарбия синов майдончасини тақдим этиш маросими ўтказилди. Бу маросимда туман ҳокими Ҳ. Ҳакимов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошқарувчиси М. Мирзаев, шаҳар ва туман халқ таълими бўлимларининг услубчилари, болалар боғчалари мудирлари қатнашдилар. Тақдимнома шу боғчада тарбияланаётган дилбандларимизнинг «Ўзбекистон Ватаним маним» номли театрлаштирилган концерт дастури билан бошланди. Тарбияланувчилар Амир Темур, Улуғбек, Навоий, Бобур, Нодирабегим, Чўлпон либосида чиқиб, уларнинг ўлмас ижод намуналаридан ўқидилар.

Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси халқ таълим вазирлиги томонидан тайёрланган «Болаларни ҳар тарафлама ривожлантиришнинг мактабгача тарбия муассасалари синов дастури ва Тажриба-синов майдончалар мақсад ҳамда вазифалари» каби 4 та ҳужжат асосида амалий машғулот ўтказишди. Болаларни ёшлигидан тарбиялаш, тил ўргатиш, нутқ маданиятини шакллантириш, 7 ёшли болаларни компьютерлар билан таништириш йўллари ҳақида очиқ мулоқот ўтказилди. «Тарбиячи-98» кўрик-танловининг ғолиблари боғча болаларини тест синов асосида иқтидорли синфларга қабул қилиш йўллари ҳақида очиқ суҳбат қилишди.

Тумандаги 30-мактабда иқтисодиёт, 13-мактабда эса мусиқа асосларини ўргатадиган синов майдончалари ташкил топди. Бу ибратли ишлар ўқувчиларни ва ота-оналарни мамнун этди. Шу йил бошларида Андижонча таълим тизими эътироф этилган эди. Миллий кадрлар тайёрлаш дастурининг дастлабки босқичи тақдимномасининг туманда ўтказилиши давлат таълими андозаларини такомиллаштириш республика инстанцияси мутахассислари томонидан берилган баҳонинг дастлабки тасдиғи бўлди. Бу эса туман халқ таълим бўлими жамоасининг миллий кадрлар тайёрлаш дастурини ва янгича таълим тизимини бажариш йўлида эришган дастлабки муваффақиятидир.

Ваҳобжон ДАДАБОЕВ,
Андижон тумани фахрийларни қўллаб-қувватлаш
«Нуроний» жамғармаси кенгаши раиси

ҚАДРЛИ ЎҚУВЧИ!

«Миллий тикланиш» газетасига 1999 йил учун обуна қилиш давом этмоқда.

«МТ»га барча алоқа бўлимларида ёзилиш мумкин.
Келинг, бирга тикланайлик!

ОБУНА — 99

«МУШТУМ» ВА «АФАНДИ» — СИЗНИНГ ҲАМРОҲИНГИЗ!

Қадрли кулги ва латифа ишқибозлари!

Агар хонадонингизга республикамизнинг ягона ҳажв журнали «Муштум» ҳар ойда, ягона латифалар газетаси «Афанди» — ҳар ҳафта қаҳқаҳа билан кириб келишини истасангиз: кечиктирмай ушбу нашрларга обуна бўлинг!

«Муштум» нашр индекси: якка тартибда — 842; ташкилотлар учун — 843.

«Афанди» газетаси нашр индекси — 590.

ОЛИМЛАР УЛУШИ

19 ноябр куни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мажлислар залида академия олимлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Уни академик Т. Жўраев олиб борди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Халқ депутатлари Самарқанд ва Навоий вилоятларининг навбатдан ташқари кенгашларида сўзлаган нутқларидан келиб чиқадиган вазифалар, уларни ҳаётга тадбиқ этишда олимларнинг ўрни, фаоллиги қандай бўлиши зарурлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси муассасалари раҳбарлари ва илмий ходимларини аттестациядан ўтказиш борасидаги ишлар ҳисоботи муҳокама қилинди. Ушбу масала юзасидан Вазирлар Маҳкамаси Олий аттестация комиссиясининг раиси, академик Ш. Аюпов, ЎзФАнинг мухбир аъзоси А. Муҳаммаджонов, Кимё ва физика полимерлари институти директори С. Рашидова,

«МТ»: воқеалар, хабарлар

академия вице-президентлари М. Комилов, Т. Орипов ва ижтимоий фанлар мажмуи кенгашининг раис ўринбосари Б. Назаровлар сўзга чиқдилар.

Президиум мажлисида «Қуёш энергиясидан фойдаланиш миллий дастури», «Ижро интизоми» ва бошқа мавзуларга доир масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев иштирок этди ва сўзга чиқди.

ЁШ ОЛИМЛАРНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

18 ноябр куни ЎзФА мажлислар залида республикамиз ёш олимларининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ЎзФА президенти, академик Т. Жўраев, академиянинг ижтимоий фанлар мажмуи кенгашининг раис ўринбосари Б. Назаров, академиянинг 15 дан зиёд ёш олимлари ва бошқа олий ўқув юртларидан келган зиёлилар ўзаро фикр алмашдилар.

Йиғилишда ёшлар билан ишлаш, уларнинг тадқиқотлари билан оммани таништириб бориш, бунинг учун мамлакатимизда чоп қилинаётган журналлар муҳарририяти билан учрашувлар ўтказиб туриш, тил ўрганиш муаммолари, ёш олимларнинг алоҳида журналини ташкил қилишга доир таклиф-мулоҳазалар атрофида сўз борди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев қатнашди.

М. ҲАМИДОВА

Бир ўқ атрофида айланар дунё

КЕЛАЖАГИ ҚАНДАЙ?

Украина Бош вазири Валерий Пустовойтенко ҳукуматга яқин халқ демократик партиясининг қурултойида «Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ҳозирги шароитда ҳаракат қобилиятини йўқотган ва унинг келажаги йўқ», деб айтган. Унинг сўзига қараганда МДҲ доирасида буҳронга қарши давлатлараро дастур ишлаб чиқишга уринишлар ҳеч қандай натижа бермаган.

Шу муносабат билан Украина Бош вазири «Ҳозирги шаклида ҳамдўстлик аста-секин жон таслим қилишга маҳкум» деб ҳисоблайди. Бу айниқса, иқтисодий ҳамда молиявий тангликнинг шарпаси қарийб ҳар бир мамлакат бошига тушганда очиқ маълум бўлди. Бундан келиб чиқадики, «Ҳар бир мамлакат яшаш учун курашда ўзи ғолиб чиқиши керак», деган фикрни билдирган Бош вазир. Шу билан бирга у собиқ иттифоқдан чиққан мамлакатлар «янги амалий ҳамкорлик шакли»ни топиш ва ҳамкорликнинг иқтисодий жиҳатини кучайтириш устида иш олиб боришлари лозим. Украина ҳукумати мустақил давлатларда эркин тижорат минтақалари барпо этиш ташаббуси билан чиқмоқда.

ГАЛИНА СТАРОВОЙТОВАНИНГ ЁРДАМЧИСИ ҲУШИГА КЕЛДИ

Галина Старовойтовага қилинган суиқасд пайтида бошидан оғир яраланган унинг ёрдамчиси Руслан Линков Петербургдаги Медицина ҳарбий академияси госпиталида кўзини очди. Лекин унинг аҳволи ҳамон оғир. У ҳали бирон нарса дейишга қодир эмас. Старовойтованинг ўлими Россияда жуда қаттиқ норозиликлар уйғотяпти. Суиқасд сабаблари ҳали маълум эмас. У коррупцияга қарши курашаётгани боис бир неча бора дўқ-пўписали огоҳлантиришларга дучор бўлган эди.

ЭРОНДА АТОМ ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯСИ ҚУРИЛМОҚДА

Россия Атом энергияси вазири Евгений Адамов Эронда бўлиб, Бушер деган жойда қурилаётган атом электростанциясини бориб кўрди. У Эрон атом энергияси идораси бошлиғи Ғулом Ризо Оғазода билан учрашди.

Адамовнинг айтишича, Бушерда қурилаётган бу станция Россия учун иқтисодий жиҳатдан жуда муҳим лойиҳадир. Унинг фикрича, Эрон ядро қуролларини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг барча шартларини тўла-тўкис бажармоқда. АҚШнинг норозилигига келганда эса, албатта у Эроннинг ўз иқтисодий таъсир доирасидан чиқиб кетганидан хурсанд эмас.

МУХОЛИФАТЧИ ВА УНИНГ ХОТИНИНИ ЎЛДИРИБ КЕТДИЛАР

Эрон мухолифатчиси Дориуш Форухар ва унинг хотини ўз хонадонида ўлдирилган. Қариндош-уруғларининг маълум қилишларича, бу қотиллик шанба куни юз берган.

Форухар Эрон халқ партиясининг етакчиси эди. У бошчилик қилаётган унча катта бўлмаган мухолифат гуруҳига ҳукумат шу пайтгача муросасозлик билан муносабатда бўлаётган эди.

Форухар илгари (1978 йилда) Меҳди Бозоргон ҳукуматида меҳнат ҳамда ижтимоий масалалар вазири бўлган эди.

ТУРКИЯ ИТАЛИЯДАН ҲАРБИЙ АНЖОМЛАР СОТИБ ОЛИШНИ ТЎХТАТДИ

Туркия Италиядан ҳар йили 300 млн долларга сотиб оладиган ҳарбий анжомларни олишни тўхтатиб туришга қарор қилди. Бу монелик то Италия ҳукумати Курдистон ишчи партиясининг етакчиси Абдилла Ўжалонни Туркияга жўнатмагунча давом этади. Ўжалон 12 ноябрда Румда қўлга олинган эди. Италия ҳукумати курд етакчисини сиёсий муҳожир сифатида сақлаб туриш устида бош қотирмоқда.

«Ўзинфо» хабарлари асосида «МТ» учун тайёрланди.

ХЎЖАЛИК ЮРИТИШДА ТАШАББУС

Қишлоқ иқтисодиётини кўтариш аввало жамоа хўжаликларида меҳнатни тўғри ташкил қилиш билан кечадиган жараёндир. Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг меҳнатга муносабатини тубдан ўзгартириш — бу муносабатда ҳам ислоҳотни амалга ошириш, шубҳасиз, меҳнат манфаати билан боғлиқдир.

Наманган вилояти Уйчи туманида истиқлолнинг илк йилларидан фаолият юрита бошлаган «Юсуфжон» хусусий фермер хўжалиги мисолида ўзгаришларни, тозаришларни тез англаган, ана шу янги муносабатларни ўз меҳнат жараёнида шакллантира билган, ундан манфаат топган ва элга ҳам манфаат келтирган жамиятимизнинг илғор кишилари — оилавий кичик жамоа вакилларини кўриб қувонасиз. Тўғри, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ҳам кичик фермер хўжаликлари иш фаолиятининг изга тушиб кетавериши осон кечаётгани йўқ. Бироқ, ўрта ва кичик корхоналарнинг ўрни саноатни юксалтиришда қанча муҳим бўлса, қишлоқ хўжалиги тараққиётида улкан силжишларга эришиш учун кичик фермер хўжаликларининг фаолияти шунчалик аҳамият касб этади. Бу эса ўрта бўғин раҳбарларининг фаоллиги билан юзага чиқади. Уйчи туманида буни яхши англайдилар, шу боис «Юсуфжон»нинг ташаббускорлигини сидқидилдан қўллаб-қувватладилар, яқиндан кўмак бердилар. Жамоа хўжалигидан олинган маблағга 18 бош қорамол сотиб олишдан бошланган иш бугунга келиб каттагина иқтисодий имкониятга эга хўжаликни эл-юртга танитиб турибди. Энди бу фермер хўжалик ўзининг техник воситаларига, ер майдонларига, янги қурилаётган фермер иншоотларига, энг асосийси, оилавий жамоа режали улуғ мақсадларга эга.

Турғунбек МАҲКАМОВ фоторепортажи

Суратларда: фермер-хўжалик раҳбари Абдувайит ҳожи Абдураҳмонов; ўғли Юсуфжон ва Баҳодир Халилов.

ОИЛАНГИЗ МУСТАҲКАММИ?

Оила қуриш ва турмуш инсон ҳаётининг энг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун жамиятнинг қонун ва қоидаларига нисбатан муносабат ифодаси оилавий турмушдаги шахслараро турли-туман муаммоларда, оила аъзолари ўртасидаги мулоқотларда, фикр алмашинувларда, баҳсларда, муносабатларда намоён бўлади. Бинобарин, ёш авлодни юксак ахлоқий руҳда тарбиялаш кўрсаткичи кўп жиҳатдан нақадар мустаҳкам пойдеворга эга эканлигига, оила аъзоларида олижаноб хислатлар ва юксак маънавий ҳисларни шакллантиришга боғлиқдир. Ана шу мулоҳазадан келиб чиққан ҳолда оиланинг тарбиявий таъсири бошқа тарбия воситаларидан устундир деб рўй-рост айтиш мумкин.

Ҳозирги замон оиласида ёш авлодни ҳар томонлама мукаммал шахс, етук инсон қилиб тарбиялашдан иборат юксак ва масъулроқ, фаҳм-фаросат, инсоний одатлар, хулқ-атвор, теварак-атрофга ва ўзга кишиларга нисбатан муносабат, барқарор эътиқод, шахсий фикр ва ўз қарашлари вужудга кела бошлайди.

Ана шу омиллардан ва шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда, оилавий турмушда инсон эртасини камол топтириш имкониятлари, қонуниятлари ва фаоллик кўрсатиш сабаблари изчил ўрганилмай туриб, шахснинг фазилатлари ривожланиш хусусиятлари ва уларни келтириб чиқарувчи омиллар тўғрисида фикр юритиш мумкин эмас.

Маълумки, оила — бу ижтимоий-тарихий аломатга эга бўлган муайян тузилмадан иборат ижтимоий гуруҳнинг кўринишидир. Чунончи, оила аъзоларини қариндош-уруғчилик, никоҳ бирлиги, турмуш шароити умумийлиги, одоб-ахлоқ уйғунлиги, маънавий эҳтиёж мослиги, моддий жиҳатдан таъминланганлик, интилишларнинг ҳамоҳанглиги, истиқбол учун маданий, молиявий режа тузиш каби омиллар ўзаро боғлаб туради. Оила мураккаб ижтимоий гуруҳ қаторига кириб биологик, ижтимоий, ахлоқий, ақлий, ҳиссий, мафкуравий ва руҳий муносабатларнинг узвий бирлашуви, жипслашуви натижасида вужудга келади. Ана шу сабабдан турмушдаги айрим ўзгаришлар ва оила аъзолари муносабатидаги негизининг ўзгаришига бевосита алоқадордир.

Оилавий турмуш муносабатларининг ўзаро тенглиги, оила аъзолари, ёшларга у ёки бу тарздаги ҳатти-ҳаракатини амалга оширишда бирон-бир мақсадни, фаолиятни режалашда катта эрк, ҳуқуқ беради. Шу билан бирга майда-чуйда кўрсатмалар, қатъий вақт билан белгилаш ҳолатига чек қўйилади, нисбатан тенглик ҳукм сура бошлайди. Оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари ҳар бир шахсни иззатлаш, ҳурмат қилиш принципи, меъёри асосига қилинган бўлиб, ўзаро оқилона талабчанлик, қатъиятлик руҳи билан суғорилган. Оила бошлиғи ҳисобланган ота-онанинг асосий диққат-эътибори юксак **ахлоқ меъёрлари ва қоидалари талабидан келиб чиққан ҳолда ўз фарзандларида ижобий** ахлоқий хислатларни, замон руҳига мос тушадиган фазилатларни шакллантиришга қаратилади. Мана шундай оила аъзолари даврасидаги суҳбатлар, мунозаралар, баҳслар, мулоҳазалар, ўзаро тенглик, ҳурмат руҳига бўйсундирилади. Оилавий муносабатларнинг ушбу кўринишда турли ёшдаги, жинсдаги ёшларга мақсадга мувофиқ тарбиявий таъсир ўтказиш имконияти мавжуддир. Ҳар бир оила ўзининг алоҳида шахсга муайян таъсир ўтказиш хусусияти билан бошқалардан ажралиб туради. Бундай оилада шахслараро муносабат пайтида таъсир ўтказиш сеҳри яширинган ҳолда бўлади. Шу боисдан тасодифий воқеа ва ҳодисаларнинг содир бўлиши турли тарзда баҳоланади ва уларга бевосита алоқадор оила аъзолари турмуш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ё рағбатлантирилади ёки танбеҳ берилади, жазоланади. Мана бундай одилона амалга оширилган мулоқот таъсирида ўғил-қизлар руҳий дунёсида дўстлик, дилкашлик, хушмуомалалик, ўз фаолияти учун жавобгарлик, ўз-ўзини қўлга олиш, ўз-ўзини бошқариш каби муҳим инсоний фазилатлар пайдо бўлади.

Оилавий муносабатларнинг «обрўталаб» муносабатларидаги кўриниши, ота-онанинг обрўси шахслараро мулоқотда ҳал қилувчи, етакчи рол ўйнайди. Шахслараро тенгҳуқуқлилик, эркин ҳатти-ҳаракат қилиш, ташаббускорлик бунда ўз аҳамиятини йўқота бошлайди. Оила аъзоларининг юриш-туриши, ҳатти-ҳаракати кўпинча катталар томонидан чеклаб қўйилади. Ота-она томонидан тарбиявий таъсир ўтказишнинг асосий усули — бу жазолаш ҳисобланади. Бироқ онда-сонда рағбатлантириш усулидан фойдаланилганда ҳам маънавий рағбатлантириш имкониятига эга бўлинмайди. Шахслараро муносабатлардаги бундай нохушлик ота-она кўзлаган тарбиявий мақсадни амалга оширмайди ва паст самара беради. Бунинг оқибати натижасида оила аъзолари ўртасида меҳр-оқибат пасаяди. Ушбу пайдо бўлган салбий нуқтаи назар аввал ота-онага, сўнгра катта ёшдаги оила аъзоларига нисбатан қўлланилади. Фарзандларда ота-онага яқинлик, меҳр-муҳаббат ҳисси бир оз бўлса-да камаяди, кейинчалик бу туйғу узоқлашиш, «бегоналашиш» томонига ўсиб ўтади. Ота-она билан бўладиган мулоқот эса ўғил-қизлар томонидан жуда паст баҳоланади. Оиладаги шахслараро муносабатлар уларни ҳеч қандай қондирмайди, натижада, одамови, ичимдагини топ, серташвиш, хавотирлик, ижтимоий меъёр ва қоидаларга қийинчилик билан мослашиш, кўникиш каби хислатлар вужудга келади.

Ёш авлодни тарбиялаш, камол топтириш, вояга етказиш вазифаси миллий хусусият, миллий ўз-ўзини англаш, миллий туйғу, миллий хулқ-атвор мароми, тарзига асосланиб амалга оширилса, оила муҳитида, ҳамжиҳатлик, илиқ маънавий муҳит ҳукм суриши муқаррар. Ўзбек халқи ўзининг руҳий қиёфаси, миллий хулқ-атвори, миллий туйғуси, мижози, диди, таъби билан бошқа миллатлардан ажралиб туради. Ўзбек миллатининг севгиси, идроки, хотираси, тафаккури, салоҳиятининг маълум йўналишга қаратилганлиги, эҳтиёжи ва қизиқиши, миллий онги ўзига хос бетакрор хусусиятга эга. Ўзбекларнинг тарихий анъаналари, урф-одатлари, удум, расм-русумлари, ахлоқий меъёри, турмуш тарзи, шахслараро муносабати, мулоқот мароми ва хусусиятлари мавжуд. Масалан, ўзбек халқи миллий табиатидаги андишалик, соддалик, хушмуомалалик, ширинсуханлик, меҳмондўстлик ва саҳийлик одатлари алоҳида аҳамият касб этади. Бироқ иззат-нафси, қадр-қимматини оёқ ости қилувчилар топилса, сабр косаси тўлса, у ўта қатъиятли, бир сўзли бўлиб қолади. Ўзбек миллий руҳиятининг хусусияти — муайян миллат фазилатларининг ўзига хос хислатлари мажмуасидан иборатдир. Миллий хусусият ўз ичига иродавий сифатларни (мустақиллик, чидамлилик, самимийлик, ҳаққонийлик, инсонпарварлик ва бошқаларни) қамраб олади.

Миркомил СОДИҚОВ,
Шарқшунослик институти аспиранти.

Анъаналар: янгилик ва меъёр

КЎРПА БЎЙГА МОС БЎЛСИН

Тарихий тажриба, анъаналарнинг мерос бўлиб ўтиши буларнинг барчаси янгидан янги авлодларни тарбиялайдиган қадриятларга айланиб қолмоғи лозим.

И.А.КАРИМОВ

Анъаналар халқимизнинг маънавий қадриятларини тиклашда муҳим ўрин тутади. Айни пайтда, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли жамият ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришлар ҳар бир шахс, ота-она, маҳаллаларнинг турмушимиздаги урф-одатлар ва анъаналарга нисбатан ҳам янгича ёндошувини тақозо этади. Бу бир томондан, унутилган айрим урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларни тиклаш: иккинчи томондан, амалдаги айрим урф-одат ва анъаналарга нисбатан оқилона муносабатнинг бўлиши зарурлигини кўрсатади. Инсоният турли даврларида шаклланган, ҳаёт тарзи, тафаккури, орзу-истаклари мужассамлашган ҳамда маънавий қадриятимизга айланган тўй-томоша, расм-русумларни шунчаки қабул қилмасдан, унга ўз муносабатини билдириб, уларни доимо янгилаб, ўзгартириб, замонавийлаштиришга ҳаракат қилиб келган. Инсонларнинг дунё тўғрисидаги тасаввурлари, ҳаётий қарашлари ўзгариши билан ҳар бир урф-одат ва анъаналарда ҳам муайян ўзгаришлар содир бўлган. Анъаналарда — ҳар бир даврнинг руҳи, халқнинг маънавияти, ҳаётга ва қадриятларга бўлган муносабати, тасаввурлари, унинг фалсафаси ўз аксини топган. Халқнинг ўзига хос тафаккур тарзи, тарихи, умуммаданий даражасининг акси сифатида намоён бўладиган, миллатлар турлича тарзда идрок этадиган анъаналар ўзига хос ижтимоий, сиёсий, маънавий аҳамият касб этади. Анъаналарда — шунингдек, ҳар бир халқнинг ҳаётий позицияси, идеаллари, орзу-умидлари, қадриятлари ўз ифодасини топади.

Бугун анъаналарга мустақиллик мафкураси ва инсон эрки талаби нуқтаи назаридан ёндошганда, унинг амал қилиб келган назарий асослари ўзгараётганини кузатамиз. Мустақиллик шароитида ҳар бир халқнинг ўзига хос маънавият негизларига таянган ҳолда анъаналарга янгича қараш ва муносабат шакллана бошлади. Мустабид тузумнинг аччиқ тажрибаси шуни кўрсатадики, ягона мафкура тазйиқидан ва асоратларидан холи бўлмасдан анъаналарга янгича муносабатда бўлиш мумкин эмас. Шунинг учун анъаналарни ягона мафкуравий мақсадларга бўйсундириш фикр ва тафаккур эркинлигига, инсон хоҳиш-иродасига зид бўлган носоғлом ҳолатдир. Узоқ вақт давом этган ягона мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Ҳаёт фалсафаси шундайки, инсонларнинг дунё тўғрисидаги тасаввурлари, қарашлари ва идеаллари ўзгариши билан урф-одатлар, анъаналар ҳам ўзгариб боради. Анъаналар айни пайтда турли даврда авлоддан авлодга ўтиб келаётган, уларни бир-бири билан боғлаб турган ўзига хос ворислик қонунига асосланади. Унга амал қилиш ҳар бир мамлакат халқлари ҳаётида ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий маъно ва аҳамият касб этади.

Жамиятнинг сиёсий ҳаёти, ижтимоий-маданий тараққиётга мувофиқ анъаналар ҳам муайян ўзгаришга зарурат сезади. Чунки, анъаналарни вақт ва макондан ҳоли ҳолда тасаввур этиш мумкин эмас. Лекин, ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, анъаналар бироз секин ўзгаради. Чунки, бу кўп жиҳатдан инсоннинг ҳаёт тўғрисидаги тасаввури, онг ва тафаккурининг ўзгариши жараёни билан боғлиқ. Узоқ йиллар давомида шаклланган ва қадрга айланган айрим одатлардан бирдан воз кечиб ёки ўзгартириб янгича муносабат билдириш жараёни қийин кечмоқда.

«Кейинги вақтларда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишда мамлакатимизнинг кўп жойларида шуҳратпарастлик, дабдабабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш, эл-юрт одатлари ва анъаналарни менсимаслик, ўзини-ўзи кўз-кўз қилиш, атрофда яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмаслик каби эскидан қолган асоратларга йўл қўйилмоқда», — дейилади Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 28 октябрдаги Фармонида. Бу анъаналарга нисбатан энг хунук одатлар бўлиб, уни жойлардаги айрим шахслар, хусусан давлат ҳизматидаги мансабдор шахслар томонидан содир этилаётганлиги, маҳаллаларда, истиқомат жойларида муҳит бузилишига сабаб бўлаётганлиги, оддий одамларнинг нафсониятига тегаётганлиги, уларнинг адолатга, умуман давлат ҳокимиятига бўлган ишончига зиён етказганлиги ҳар бир соғлом фикрлайдиган кишини ўйлатмасдан қолмайди.

Бундай нохушликнинг сабабларидан бири аввало, янгиликнинг моҳиятини тўла англаб етиш жараёни билан боғлиқ. Одатлар узоқ йиллар давомида инсонлар онги ва ҳаётида амал қилиб келган, кўникилган, қадр ва маъно топган. Шу сабабли, улар нисбатан «турғун» ёки «консерватив» роқдир. Буни ҳисобга олиш зарур. Аммо, бугун мустақиллик шароитида амал қилаётган анъана ва урф-одатларга бўлган муносабатда янгича ёндошув муҳим сиёсий-ижтимоий, маданий-тарбиявий аҳамиятга эга. Бу жараённи маълум бир йўналишларда чунончи, анъаналардаги ўзгаришлар нимани англатади? Анъаналар инсон онги ва тафаккури фаолиятидан ташқаридаги жараёнми? Анъаналар ўзгарса, инсон ўзгарадими? Ёки инсон онги ва тафаккури ўзгарса, анъаналарга ёндошув ўзгарадими? — деган таҳлилда кўрадиган бўлсак, бунда бир томондан, анъаналарни инсонга боғлиқ ҳолда эмас, ундан «ҳоли» ҳолда қараш кузатилади. Бу ҳаётимизга ва онгимизга бир вақтда сингдирилган ўзгаришларни инсоннинг фаолиятидан эмас, аксинча турмушдан излаш, «турмуш онгни белгилайди», «ҳамма нарса муҳитга боғлиқ», «муҳит ҳамма нарсани ҳал этади», деганга ўхшаш қарашлар билан боғлиқ. Жамият ривожини ҳам фақат ижтимоий-иқтисодий муносабатлардан ахтариш, у билан боғлаб бир томонлама тушуниш фалсафаси мужассам. Демак, бундай ёндошиш асосида «анъанавий фалсафий» тафаккурдан нарига ўта олмаслик, эскидан қолган асоратлар оқибатида уни шунчаки талқин этиш, «авлоддан авлодга» шунчаки ўтиши билан бирга, инсон ўз қадриятлари ва анъаналаридан ажралиб, ёки анъананинг шунчаки «ижрочисига» айланиб қолишини кўрамиз. Бунинг негизида мустабид тузум даврида узоқ давом этган ҳукмрон ягона мафкура ва сиёсатнинг таъсири, ҳамда онг ва тафаккурнинг давр руҳидан орқадалиги яққол кўринади. Бу миллий расм-русумларимизга путур етказади, муқаддас анъаналаримизни обрўсизланишига таъсир кўрсатади.

Маълумки, жамият ривожланиб, тафаккур, онг ошган сари, унинг фаол таъсири кучайиб, онгнинг муҳитга боғлиқлиги камайиб боради. Мустақиллик шароитида анъаналаримизга янгича қараш, янгича ёндошув ҳар жиҳатдан зарур. Анъаналар халқларимиз маънавиятига, миллий қадриятларимизга, онг ва тафаккур, ҳамда имкониятларимизга мосми? Бунинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, тарбиявий жиҳатлари мавжуд.

Бугунги кунда «анъаналар — инсон» муносабатидан «инсон — анъаналар» тизимига ўтилмоқда. Халқларимиз тарихий — маданий ҳаётида, бугуни ва истиқболида урф-одатлар, анъаналар чукур маъно ва аҳамиятга эга. Унда ҳаёт фалсафаси, инсон дунёси, хурсандчилиги ва ташвишлари мужассам ҳолда уйғундир. Республика халқлари маънавий ҳаёти, урф-одат ва анъаналарига эътибор бериладиган бўлса, уларнинг ҳар бири ўзига хос шакл ва маъно, мазмунга, моҳиятга эга эканлигини кўрамиз.

Бугун Республикамизда мустақиллик туфайли, жамият ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаёт негизлари тубдан ислоҳ этилди, янгича иқтисодий, ижтимоий-маданий муносабатлар қарор топмоқда. Назаримизча, «замонавий анъаналар» ёки анъаналарнинг замонавийлашуви ёхуд замонавийлаштириш борасида бугунги жараёнларда, бозор муносабатларининг талабларига жавоб бермайдиган жиҳатлари мавжудлиги кўриниб қолмоқда.

Аммо, анъаналар замонга, миллий руҳиятимизга, қадриятларимизга мосми? Уни ким мослаштиради? Кимлар бунга масъул, ёки унга амал қилиш, уни қандай бўлса шундайлигича амалга ошираверииш керакми? Анъаналар шунчаки ўз ҳолича амалга ошадиган жараён эмас. Бугунги кунда инсонлар кўнглига қулоқ солиб, дардини эшитишга, тушунишга ҳаракат қилсангиз, бир қарашда уни ҳамма қўллаб-кувватлаётгандек туюлади. Бу тўғри, чунки инсон ҳаётида муайян таомилларсиз яшай олмайди. Ҳаётга қарасангиз, у муайян тартиб, одатлар, расм-русумлар, анъаналарга амал қилинган ҳолда ўтказилаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Анъаналаримизда маънавийлик, унинг мазмуни, инсонларнинг хоҳиш-истаги, имкониятлари, халқимизнинг руҳияти, орзу-истаклари ҳамда истиқболи тўла акс этади. Бозор муносабатлари юксак маънавийликни, аниқликни, ҳисоб-китобни хуш кўради. Вақтни қадрлайди, ортиқча сарфлар, ҳаражатларни қисқартиришга истакни оширади. Аммо, ҳар қандай яхши истак ҳам амал қилинмаса, шунчаки орзу бўлиб қолаверади.

Мавжуд анъаналарга янгича ёндашиш ҳам осон кечмайди. Сабаби, эл — юрт, маҳалла бор. Таомиллар мавжуд. Эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Кеча эл дастурхонида, тўй-ҳашамида бўлган инсон, бугун ўзи тўй-ҳашам ўтказаётган пайтда, таомилга амал қилмаса, у нима деган киши бўлади? Маҳалла нима дейди? Одамлар-чи? — деган мулоҳаза кўп ҳолларда кўндаланг туради.

«Одамлар нима деса деяверсин, ўз билганингдан қолма», қабилида иш тутса, бу унинг имкониятига ва замонга мос келиши аниқ. Аммо, бундай қараш амал қилаётган таомилларга тўла мос тушмайди. Ҳамда муайян макон уни «четга» чиқариб қўйиши, «саховатсиз» қилиб кўрсатиши ҳам ҳеч гап эмас. Хуллас, инсон руҳияти ана шундай мулоҳазалар асосида яна ўша таомилга «бўйсунишга» мажбур бўлади. Шундай бўляпти ҳам, аммо ҳар бир нарсада бўлгани сингари меъёрга муносабат-чи?

Маълумки, тамойиллар, анъаналар турли жойларда турли хил. Айтайлик, айрим вилоятларда ўғил (суннат) тўйларига алоҳида эътибор берилиб, жуда катта сарф-харажатлар билан ўтказилса, бошқа бир жойларда эса аксинча, у қадар дахмазасиз, енгилгина ўтади. Қиз узатиш ёки «келин-куёв» тўйлари эса, айрим ҳолларда ҳаддан ташқари дабдабали, катта сарф-харажатлар билан қилинади. Айниқса, маҳалла жамоаси ва фаолларнинг иши унчалик юқори бўлмаган жойларда меъёрга кўпроқ риоя этилмайди. Ҳар ким ўзи қандай хоҳласа, имкониятларини элга намойишкорона кўрсатишга мойилликлари аниқ сезилиб туради. Қизиқ, орадан бироз вақт ўтгач эса тўй соҳиби кайфияти ўзгарган, уни сарф-харажатларни қоплаш, қарзлардан қутулиш ташвишида кўриб ачинасиз. Раҳмингиз ҳам келади. Аммо, нега шундай бўляпти ва қачонгача шундай бўлади? Замон кўтарадими бундай исрофгарчиликларни? Шунда мантиқий равишда аввало инсонларнинг ўзи, уларнинг анъаналарга қараши, муносабати ўзгариши керак деган хулоса келиб чиқади. Гап анъаналарда эмас, у билан боғлиқ ҳар хил таомилларни ўйлаб топиб, ён атрофига қарамасдан, жамият ва оила олдидаги ўз масъуллигини тўла ҳисобга олмаётган айрим инсонларнинг қарашлари ва ёндошувларидадир. Бу янгича таомилларга ўтишни, ҳар бир жойнинг хусусиятини ҳисобга олиб, унга алоҳида ёндошган ҳолда ҳар бир оила, маҳалла фаоллари ўзаро маслаҳат билан маҳалла мавқеини ошириш орқали ўзгаришлар қилишнинг зарурлигини давр тақозо этмоқдаки, бундан кўз юмиб бўлмайди. Бунга ёшлар нима дейди? Бугунги ёш авлод анъаналарни ўзича таҳлил этиши ва ёндошиши, унга ўзининг оқилона муносабатини билдириши керак. Ҳар бир нарсанинг ўзига хос меъёри бор. Меъёр бузилса, энг яхши таомил, анъана ва урф-одатлар ҳам муайян даражада салбий маъно касб этиши мумкин.

Бугун анъаналардаги айрим ортиқча жиҳатларни: ўз аҳволини ҳисобга олмай катта тўй ўтказиш орзу-ҳавасида турли дабдабабозликларга тақлид қилишлар, айрим ёшларнинг ота-она олдига ортиқча талаблар қўйиб, оёқ тираб туришлари, давлатманд, мансабдор шахсларнинг ўз хоҳиш-майлларида эл-юрт чегарасидан чиқиб кетишлари, хизмат лавозимини суиистеъмол қилишлар, манманликлар, ким ўзарлар булар бари умуман ҳаёт равишига, ота-онанинг оила, маҳалладаги ўрни ва эътиборига ҳам билиб-билмасдан салбий таъсир этаётир. Айниқса, кишига унинг мол-мулкига қараб баҳо бериш, ҳатто ўзаро муносабатларни шунга кўра қуриш ва танлаш ҳоллари охир-оқибатда оилавий ҳамда инсоний хулқ-атвор нормаларига зид айрим нохуш ҳолатларга сабаб бўлмоқда.

Шунинг учун ҳам инсоний меҳр-оқибатни мол-дунё моддиятидан устун қўйишга эришишимиз оила барқарорлигини таъминлашда, жамият маънавий-маърифий негизларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши табиий.

Ибодулла ЭРГАШЕВ,
сиёсий фанлар доктори

Мақсад — маломатмас, моҳият...

БАҲС ФИКР ҲАҚҚОНИЯТИНИ СИНАЙДИ

Кейинги вақтларда тилимизда фикрлар хилма-хиллиги деган маънони англатувчи «плюрализм» деган термин тез-тез қўлланиляпти. Маълумки, бирор бир муаммо юзасидан кишиларда турли хил фикрлар мавжуддир. Аслида фикрнинг ўзи нисбий тушунча бўлса-да, муаммони ҳал қилишда тасаввур ва тахминларни ойдинлаштириш, улар ҳақида аниқ тўхтамга келиш ва янгилик яратишда ана шу якка, бир-бирига зид фикрлар ўртасидаги баҳс-мунозаралар, тортишувлар муҳим аҳамият касб этади.

Илмда баҳсли мунозараларнинг предмети ва объекти сифатида махсус тарзда танлаб олинган муаммо ёки амалий фаолиятда учрайдиган турли ғоялар юзага келади ва янгиликка асос бўлади.

Баҳс-фикрларни чархлайди, дунёқарашни оширади. Айниқса, у маънавий-ахлоқий меъёрлар доирасида бўлса, маърифат зиёсига айланади. Бу ҳақда гапирганда, аввало, кўз олдимизга миллий муомала маданиятимизни келтирамиз. Бу борадаги қадриятларимиз, асрлар давомида ривожланиб келган сўзлашув маданиятимиз қалбимизда ифтихор туйғуларини уйғотади. Маълумки, бошқа соҳалар қаторида баҳслашишда ҳам ахлоқ-одоб категорияси асосий ўринда туради. Лекин матбуот саҳифаларида адабий жараёндаги турли мавзуларда ташкил этилган баҳс-мунозараларни кузатар эканмиз, дилимизда шундай савол туғилиши шубҳасиз: бутун миллатнинг илғор вакиллари бўлган зиёлилар ўртасидаги баҳслашиш маданияти қай даражада? Чунки баҳсларда иштирок этувчиларнинг ҳаммасининг ҳам маданий савиясини юқори деб бўлмайди. Айниқса, баҳсдаги кўтарилган муаммони тушуниб-тушунмай, аниқ далилга асосланмаган ёки ғояларга маҳкам ёпишиб олган муаллифларнинг маънавий-ахлоқий етуклик даражаларининг қашшоқлиги кишини ўйлашга мажбур этади. Ваҳоланки, баҳслашишнинг ҳам ўз қоидалари бўлиб, у муаммо юзасидан баҳслашувчига ҳеч қандай тазйиқ кўрсатмаслиги, ҳар қандай шахснинг эркин фикр баён этишига имкон берган ҳолда, унинг фикрларини тамоман зидлашиб кетишига йўл қўймасликни, мунозарадан келиб чиқадиган хулоса ва қарорни очиқ қолдириш ҳамда уни ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилишни тақозо этади.

Баҳс деган тушунча ҳаётимизга бугун кириб келгани йўқ. У илгаридан ҳам қадриятларимиз, тарихимиз, адабиётимиз, умуман илмимизда мавжуд бўлиб, муайян ахлоқ-одоб меъёрларига асосланган. У инсонлардаги маънавий етуклик даражаларини кўрсатиб турган. Афсуски, ҳозирги баҳс-мунозараларнинг ҳаммаси ҳақида ҳам бундай дея олмаймиз. Уларнинг кўпчилигида ахлоқ-одоб меъёрларидан чиқиш ҳолатларини кўриш мумкин. Тўғри, мамлакатимиз мустақил бўлгандан кейин адабий муҳитда сўзга муносабат ўзгарди ва ҳар бир киши ҳайиқмасдан, эркин фикр айта олиш имкониятига эга бўлди. Бироқ бу оғзига келганни айтавериш, эҳтирослар жиловини бўшатиб юбориш дегани эмас-да. Таниқли адабиётшунос олим Умарали Норматовнинг «Жаҳон адабиёти» журналида эълон қилинган «Юксак маданият белгиси» мақоласидан шундай мисол келтирамиз: «Ёш танқидчи Бозорбой Уллибоев бир мақоласида «Кеча ва кундуз», «Қутлуғ қон» романлари қаҳрамонлари ҳақида адабиётшуносликда айтилган мулоҳазалар, аниқ сўзлар билан баҳсга киришиб, дағдаға қилади: «Эҳтиросга берилиб, муштга эрк бериб, ўз жигари — миллатдоши қонини тўкиб, манқуртларча «қутлуғ қон» дея ғурурланиш кимнидир елкангда олиб юришдек аҳмоқликдир». Шоҳ асарларнинг қаҳрамонлари, уларнинг моҳиятлари хусусида бунақа андашасиз, адабий саводсизлик, қўполлик билан айтилган гаплар шарҳ ва баҳога ҳам арзимайди. Лекин, айтилган гап, отилган ўқ. Бундай зарарли ўқлар барибир кимнингдир қалбида жароҳат қолдиради».

Аввало, Бозорбой Уллибоевнинг асар ва унинг қаҳрамонлари ҳақида асосли далили бўлганда ҳам бундай ҳукм чиқариши ноўриндир. Иккинчидан, у адабиётшунослар билан баҳсга киришар экан, ўзининг мустақил фикрларини муносабат сифатида кўрсатса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Чунки баҳслашиш маданиятида баҳслашувчининг мулоҳазалари тўғри фикр бўлган шароитда ҳам бошқаларнинг, яъни ана шу баҳсда қатнашувчиларнинг билдираётган фикрларини ишончлироқ ва асослироқ деб ҳисоблаб, ўзининг шахсий фикрини нисбатан пастроқ баҳолаши ўринлидир. Агар баён этилаётган фикр мутлоқ янги бўлса, ҳозирча унинг моҳиятига тўла етиш ва тушуниш қийинроқ деган маънода масалани очиқ муҳокамага қолдириш ҳам мантиқан, ҳам одоб юзасидан тўғри чорадир. Умуман, бундай ҳолатни оддий муомала маданиятида ҳам кўриш мумкин. Кўпинча маданиятли кишилар суҳбатида гарчи бирови ҳақ бўлса-да, суҳбатдошини уриб енгмай, «шунақами, мен бундай деб ўйлаган эканман», деб мунозарага якун ясаб қўйилади.

Бу ўринда устоз мунаққиднинг норози бўлиши табиий, шунинг учун ҳам, ёш танқидчининг шаънига нисбатан қаттиқроқ гап айтган. Лекин бу ҳам назаримизда кишида жиндай эришроқ мулоҳаза уйғотади. Чунки Умарали Норматовнинг жуда кўп мунозарали мақолаларини ўқиганмиз. Устоз уларда бирор мавзу ёки муаммо, фикр ёки далилга нисбатан баҳсли ҳолатлар бўлиб қолса, саволни бошқачароқ қўйиш мумкинлигини кўп маротаба моҳирона кўрсатиб берган. Мисол учун «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида босилган «Баҳс» баҳсга чорлайди» номли мақоласида (1997, 10 январ) Озод Шарафиддиновнинг «20—30-йилларда жадидлар адабиёти» деган мақоласида устознинг мулоҳазаларига нисбатан «Гарчанд бундай мулоҳазаларда муайян асос бўлса-да, улар бир қанча саволларни келтириб чиқаради» деб ўзининг фикрларини баён этади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Турли фикрлар муаммони ҳар томонлама очиб беришга имкон яратади. Бунинг учун баҳслашувчига ёки асос бўлганга нисбатан хусуматлашмасдан, маломат қилмасдан ҳам масалани равшанлаштириш мумкин. Аммо, кўпинча шахс ҳамиятига тегиш, киноя қилиш, камситиш, ўзидан паст кўриш ҳоллари баъзи баҳсларда жуда яққол сезилиб туради. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1996 йил 12 апрел сонида чоп этилган «Озод роман орзуси» деган суҳбатда ёзувчи Аббос Саид «Адабиётни рецепт билан яратиб бўлмайди. Бугун ўқувчига Достоевскийни ўқи, Булгаковнинг «Уста ва Маргарита» романи XX аср романчилигида фавқулодда воқеа бўлган деганингиз билан Тоҳир Маликнинг «Шайтанат»ини қўлдан қўймаса, нима қила оласиз», деган фикрни билдиради. Ёзувчи бу билан ҳар ким ўзига яқинроқ ва ёққанроқ нарсани ўқийди, классикага эътибор бўлмаса бўлмас демоқчими? Ёки замонавий асарни камситмоқчими?

Баҳс дунёқарашни бойитиш билан бирга дидни ўстиради, маданий мулоҳаза қилишга ундайди. Шу жиҳатдан у ҳар бир шахснинг ўз нуқтаи назарини таҳлил қилишда, ўзаро мулоқотда ақлий салоҳиятдан фойдаланишда катта аҳамият касб этади. Агар баҳс-мунозара муайян бир муаммо хусусида борса, баҳслашувчиниг фикри нотўғри ва буни аниқ далиллар билан исботлаш имкони бўлса ҳам, ушбу фикр ёки далилга нисбатан қўпол муносабат билдириш, кесатиқли, ҳатто ҳақоратли ибораларни қўллаш маданиятсизликдан, калтаўйликдан бошқа нарса эмас. Бу ўқувчида муаммо ва унинг атрофидаги баҳслашувчиларга нисбатан ишончни сўндиришга олиб келиши мумкин. Аслида, энг одил ҳакам ўқувчи. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг ўтган йилги сонларида мумтоз ва замонавий адабиётимиз муаммоларига бағишланган «Баҳс» бошланган эди. Негадир, бир-икки чиқишлардан сўнг «Баҳс» чинакам фикрлар курашига айланмай қолди. Дарҳақиқат, ушбу рукнда эълон қилинган баъзи баҳслар ўқувчиларда фикрлар курашини эмас, балки найзабозликлар жангини эслатгандек таассурот қолдирди. Матншунослик муаммолари атрофидаги тортишувлар фикримизга яққол далил.

Матншунос олим Ваҳоб Раҳмоновнинг «Адабий идрок тантанаси» (1998 йил 23 январ сони) мақоласида матншуносликдаги муаммолар, хусусан Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлар»и нашридаги хато ва камчиликлар тилга олинади. Олим ўз фикрларини «ҳечдан кўра кеч» бўлса ҳам асослаб, йўл қўйилган хатоларни мутахассис сифатида таҳлил қилиб беради. Бу мақола матншунослар ва ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олинди. Газета чиқишларида олимнинг фикрлари қўллаб-қувватланди (Маъмура Рашидова, Нусратилла Жумахўжа мақолалари). Улар матншуносликдаги хато ва камчиликларни бартараф этишда мақоланинг аҳамияти катта эканлигини ёқлаб чиқишди. Адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул эса «Санамай саккиз демайлик» мақоласида В. Раҳмоновнинг далилларини гина-кудурат оҳангида рад қилади. У баҳс самарадорлигининг асосий омиллари ҳақиқат, адолат, самимият, беғаразлик, тантилик, холислик каби инсоний хислатлар эканлигини таъкидласада, амалда ўзи бунга риоя этмайди. Тўғриси, бу мавзудаги мақолаларни қолдирмасдан синчиклаб ўқиган киши муаллифларнинг бир-бирларига таънадашномларидан чарчаб кетади. Чунки уларда фикрлар баҳсидан кўра кўпроқ бир-бировларининг хато-камчиликларини тафтиш қилиб, газетхонлар олдида гўё «у ёмон, мен яхшиман» дегандек уриниш устун туради. Матншуносликдаги муаммоларни ечиш йўлларини излаш ўрнига бир муаммонинг авра-астарини чиқариб ташлашни баҳс деб бўлмаслигини олимларимиз яхши билсалар керак. Баҳслашишда бировнинг ҳақ ёки ноҳақлиги эмас, билдирилган фикр ҳаққонияти муҳим. Қандай якунланишидан қатъий назар баҳснинг мазмуни шахс ижтимоий тасаввурлари ва қарашларида мустаҳкам ўрнашиши ва хотирада қолиши мақсаднинг зарурий шартидир.

Баҳсларда баҳсдошларнинг шахсиятига тегмасдан, самимий ва холис йўллар билан муаммони ҳал қилиш услублари тамоман йўқ бўлиб кетмаганлиги, зиёлиларимиздан шарқона маънавий етуклик даражаси сақланиб қолганлиги бундан кейин бўладиган тортишувлар ўзаро ҳурмат, самимият ва холислик асосида бўлишига умид уйғотади. Бунга мисол қилиб «Миллий тикланиш» газетасининг 1996 йил 9-сонида Исмоил Тўлакнинг «Қонуният борми?» мақоласини келтириш жоиздир. Муаллиф мақолани мактуб жанрида ёзиб, унда Олимжон Холдорнинг «Андижонлик саранжомлик» романини бадиий таҳлил қилади. Ва асардаги камчиликларни дўстона, тўғри ва самимий тарзда кўрсатиб беради: «Сиз, энди миллий романчилигимизда ўз ҳақ-ҳуқуқига эга бўлган ўзбек халқининг қаҳрамонликларини яратиш пайти келди, деган фикрни ўртага ташлайсиз. Биз бу фикрингизга қўшиламиз, шу билан бирга, бу борада таҳлилий баҳслар олиб бориш фойда бўлади, деб ўйлаймиз». Ана шу мазмунда фаолиятдаги нуқсонларни кўрсатиб бериш кишига оғир ботмайди. Аксинча, ўз устида ишлашга, иқтидор ва салоҳиятни тўғри ҳамда унумли сарфлашга ундайди.

Мунозара юритиш қандай шаклда бўлмасин, унда оддий муаммодан тортиб, мураккаб илмий ёки амалий масалаларни ҳал қилишгача бўлган жараёнда баҳслашувчиларнинг онгли равишда асосли фикрларни баён қилишининг ўзи моҳиятни аниқлаб беради. Айниқса, у маънавий-маърифий меъёрлар доирасида бўлса, баҳслашувчилар ўзаро ҳурмат билан кўтарилган муаммо юзасидан эркин фикр билдирсалар, маломатлашмасалар илмда ҳам, амалий ҳаётда ҳам ривожланиш бўлади. Зеро, мамлакатимиз мустақил бўлиб, буюк келажак яратишни мақсад қилган эканмиз, унинг бошида турган зиёлиларимиз маънавий масъулиятни чуқур ҳис қилмоқлари лозимдир.

Назира ТОШПЎЛАТОВА,
ТошДУ аспиранти

ОДАМ ВА ОЛАМ

Манбалар

ОҲУ ТЕРИСИДАН МУҚОВАЛАНГАН...

Истиқлол йилларида аждодларимизнинг давлатни идора этиш усуллари, қонунчилиги, ўтмиш Турон ҳукмдорларининг ички ва ташқи сиёсати тарихини ўрганишнинг аҳамияти беқиёс даражада ошди. Чунки, давлатчиликка оид ёзма манбалар халқимиз маданий меросининг узвий қисмидир. Шу сабабли уларни тадқиқ этиш ва кенг ўқувчилар оммасига етказиш бугунги кунда ҳам фойдадан холи эмас. Мозийда давлатни идора этиш қоидалари ҳақида махсус асарлар битилган, шунингдек, баъзи асарларнинг муайян боблари давлатчилик масалаларига бағишланган. Бундай ноёб асарлардан Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик»и қорахонийлар, Низомулмулкнинг «Сиёсатнома»си салжуқийлар, Фазлуллоҳ Рўзбеҳонийнинг «Сулук ул-мулук» асари шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида яратилган. Диққатга сазовор жойи шундаки, муайян бир сулола ҳукмдорларига бағишланиб ёзилган ушбу асарларнинг маърифий ва амалий қиммати мазкур сулолаларнинг умри тугагандан сўнг ҳам камаймаган. Чунки асрлар мобайнида йиғилган билим ва тажрибаларни ўз ичига олган бу китоблардаги кўпгина фикр-мулоҳазалар барча замонлар учун аҳамиятлидир.

Бир қатор боблари давлатчилик масалаларига бағишланган шундай нодир асарлардан бири Хожа Самандар Муҳаммад Бақо Термизийнинг аштархонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида форс тилида яратилган «Дастур ул-мулук», яъни «Подшоҳларга қўлланма» китобидир. Муаллиф ўз асарини 1695 йилда якунлаб Бухоро хони Субҳонкулихонга (1680-1702) тақдим этган. Хожа Самандар ўз даврининг фозил кишиларидан бўлиб, бир қанча вақт дарвишона ҳаёт кечирган. Кейинчалик у аштархоний ҳукмдорлар хизматига кириб Абдулазизхон (1645-1680) ва Субҳонкулихонларнинг ҳарбий юришларида иштирок этгани ўз асаридаги маълумотлардан аён бўлади. Шунингдек, у Субҳонкулихоннинг махсус топшириғига кўра элчилик вазифасини ҳам бажарган. Хожа Самандар бир қанча муддат Насаф (Қарши) шаҳрида раислик лавозимида хизмат қилган ва бу даврда ижодий ишлар билан ҳам фаол шуғулланган. XVII аср тазкиранависи Малеҳо Самарқандий ўзининг «Музаккир ул-асҳоб» асарида Хожа Самандарнинг қобилият ва истеъдодига юксак баҳо беради. Бу ҳол Муҳаммад Бақо Термизийнинг ўз замондошлари наздида етук адиб сифатида эътироф қозонганини кўрсатади.

Хожа Самандар Термизийнинг «Дастур ул-мулук» асари биринчи бор заҳматкаш олим Жаббор Эсонов томонидан форс тилидан ўзбек тилига эркин таржима қилиниб, 1997 йилда Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида ўн минг нусхада чоп этилди. Ушбу қимматли нашр, шубҳасиз, мамлакатимизнинг маданий-маънавий ҳаётида катта ижобий ҳодиса бўлди. Таржимон асар матнига сўзбоши ёзган ва зарур изоҳларни илова қилган. Муфассал сўзбошида Хожа Самандар Термизийнинг ҳаёти ва фаолиятига оид манбалардаги мавжуд маълумотлар, халқ орасидаги ривоятлар, асарнинг ўрганилиш тарихи, ўтмиш маданиятимизда тутган ўрни ва ҳоказолар баён қилинган. Шарқ ёзма меросининг кучли билимдони бўлган таржимон «Дастур ул-мулук»ни Шарқ мумтоз адабиётининг мавзу жиҳатидан унга яқин бўлган бир қатор асарлари билан муқояса қилади, уларнинг муштарак жиҳатларини очиб беради. Жаббор Эсоновнинг асарга ёзган сўзбошиси мустақил тадқиқот даражасидадир, деб айтсак асло муболаға бўлмайди. Шу ўринда таржимоннинг фикр-мулоҳазаларига баъзи қўшимчалар қилиб ўтишни жоиз деб биламиз. Жаббор Эсонов «Дастур ул-мулук»нинг ўрганилиш тарихи ҳақида сўз юритар экан, бу нодир асарнинг ўзигача бўлган тадқиқотчилари — М. Салоҳиддинова, А. Мирзаев, С. Ҳалимов, Б. Аҳмедовларнинг меҳнатига холисона баҳо беради. Асарнинг таржимон назаридан четда қолган тадқиқотчиларидан бири йирик ўзбек олими марҳум Маҳкам Абдураимовдир. «Дастур ул-мулук» ҳали бирон бир тилга таржима қилинмаган пайтда М. Абдураимов унинг қўлёзма нусхаларидан ўз тадқиқотларида кенг фойдаланган. Масалан, олим рус тилида ёзилган «Бухоро хонлигида аграр муносабатлар» номли йирик тадқиқотида (Тошкент, 1966, 1-жилд) Хожа Самандар Термизий асарига бир неча бор мурожаат қилиб, қимматли маълумотлар келтиради. (Ж. Эсонов «Дастур ул-мулук»ни рус тилига тўла таржима қилиб 1971 йилда Москвада энг қадимги қўлёзмаси фотонусхаси билан биргаликда нашр этган Мунира Салоҳиддиновани негадир «тожик олимаси» дейди. Аммо Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) Шарқшунослик институтида ишлаган марҳума М. Салоҳиддинова, агар унинг миллатини кўрсатиш зарур бўлса, татар миллатига мансуб эди. У бундан ташқари Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Шарафномайи шоҳий» (бошқа номи «Абдулланома») асарини ҳам рус тилига таржима қилиб нодир қўлёзмаси фотонусхаси билан бир неча жилдда нашр этган заҳматкаш олимадир).

Ж. Эсонов таржима учун «Дастур ул-мулук» асарининг Ўзбекистон Фанлар Академияси Абурайҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган энг қадимги 1437-рақамли ва 1829 йилда кўчирилган 4468-рақамли қўлёзмаларини асос қилиб олган. Таржимон иш жараёнида қўлёзмаларнинг фотонусхаларидан фойдаланган. Чамаси ушбу ҳол нодир қўлёзмаларнинг, айниқса, 1437-рақамли мўътабар нусханинг қисқача илмий тавсифини келтиришга монелик қилган. 1437-қўлёзма нусха алоҳида жилдга китобат қилинган бўлиб, 372 саҳифадан иборат. Матн йирик насталиқ хатида қалин қоғозга қора сиёҳ билан ёзилган. Сарлавҳалар ва жумлалар бошланишини билдирувчи нуқталар қизил сиёҳ билан ажратиб ёзилган. Қўлёзманинг бошидаги бир неча варағи йўқолгандир. Мазкур нусха 1695 йилда, яъни асар ёзиб тугатилган пайтдаёқ китобат қилинган. Унда хаттот номи кўрсатилмаган. Бу ҳол бизда «ушбу қўлёзма муаллифнинг ўз қўли билан кўчирилган табаррук дастхат нусха эмасмикан», — деган фикр-мулоҳазалар туғдирди. Замондоши Малеҳо Самарқандий Хожа Самандар ҳақида «Ул шариф зотга дарё янглиғ билимлар насиб этган бўлиб, талаб этилган ҳар бир илмдан хабардор эрдилар. Алалхусус, ҳукмнома (васиқа), ҳужжат ва мактублар битмоқда беназир эди», — деб ёзганидан Хожанинг моҳир хаттот ҳам бўлганини тахмин қилиш мумкин. Қўлёзмани синчиклаб кўздан кечириб чиққанимизда, унинг дастхат нусха эканлигига ишончимиз янада кучайди. XIX асрда кўчирилган 4468-қўлёзмадан фарқли равишда, 1437-қўлёзманинг ҳошияларида асар матнига кўпгина қўшимча ва тузатишлар киритилган. 60-варақ ҳошиясида подшони ўлимдан сақлаб қолган ўғри ҳақида бутун бошли бир ҳикоя келтирилган. М. Салоҳиддинова қўлёзма ҳошиясидаги ушбу қўшимча ва тузатишларни асарни кўчирган хаттот киритган, деб ёзади. Аммо хаттотлар одатда ўзлари кўчирган матнни қайта кўздан кўчириб чиққанларида кўчириш пайтида беихтиёр ўтиб кетган баъзи жузъий хатоларни ислоҳ этганлар. Асар матнига кўп сонли тузатишлар ва ҳажман катта қўшимчалар киритиш, яъни жиддий таҳрир ишлари муаллиф томонидан амалга оширилгани ҳақиқатга яқинроқдир. «Дастур ул-мулук» охиридаги шеърий парчада Хожа Самандар шундай дейди:

«Масиҳдек жон ато айлар китобдир бу,
Беморларга шифо айлар китобдур бу.
Этиб не фикру не мавзу илова,
Оҳу терисидан қилдим муқова».

Ушбу сатрларда муаллиф ўз асарини китоб ҳолига келтирганига яққол ишора этмоқда. Юқоридаги далиллар, назаримизда, 1437-қўлёзма улуғ аждодимиз Хожа Самандар Муҳаммад Бақо Термизий ўз қўли билан кўчириб муқовалаган табаррук дастхат нусхасидир, деб хулоса чиқаришга асос бўла олади.

«Дастур ул-мулук» асари ўзбек тилига маҳорат билан ўгирилган. Таржимоннинг эркин таржима усулидан фойдалангани ҳам бу ўринда ўзини оқлайди. Чунки, муаллиф ўз асарини форс тилида қофияли насрсажъ билан ёзган бўлиб, турли қийин ибора ва истилоҳларни кўп қўллаган. Асарда сўз санъатларидан фойдаланиш ва ифодадаги жимжимадорлик юқори даражада бўлиб, ўтмишда ҳам асосан хос ўқувчиларга яхши тушунарли бўлган. Таржимон ўзбек тилидаги нашрдан кенг китобхонлар оммаси фойдаланишини назарда тутиб, муаллиф услубини анча соддалаштириб, равон тил билан ўгирган. Аммо ҳар бир жумла таржимаси аслиятга мос келишига интилиб, ундан четга чиқмаган. Ўзбекча таржима «Дастур ул-мулук»нинг форсий нусхаси мазмунини тўла акс эттирган, деб ишонч билан айтиш мумкин. «Дастур ул-мулук» асари 22 бобдан иборат бўлиб, 1-20 ва охирги 22-бобларда давлатчилик, дипломатия, ватанпарварлик, ахлоқ-одоб масалалари, муаллифнинг ҳаётий тажрибаси ҳосили бўлмиш баъзи фалсафий фикрлар баён қилинади. Асарнинг салмоқли қисмини ташкил этган 21-фасл эса муаллиф замонасида бўлиб ўтган баъзи муҳим тарихий воқеаларнинг муфассал баёнидан иборат. Хожа Самандар ўз китобининг адолат ҳақидаги биринчи фаслидаёқ подшоҳ халқ фаровонлиги учун қайғуриши лозимлигини таъкидлайди: «Азизим, ҳамма вақт мамлакат аҳволи ва халқ фаровонлиги учун зарур бўлган нарсаларни бунёд этиш йўлида саъй-ҳаракат қилган, тиниб-тинчимаган ва марҳамат майдонида халқ бошига шафқат ва меҳрибонлик байроғини жилвалантириб, баланд кўтарган подшоҳгина ўз вазифасини адо этган бўлади». Ушбу сўзлар асарнинг асосий ғоясини ўзида акс эттирган, деб айтиш мумкин. Муаллифнинг ҳар бир киши «ўз давлати манфаати, тинчлиги учун жонини фидо қилишга тайёр бўлиши» лозимлиги ҳақида фикр-мулоҳазалари барча даврлар учун аҳамиятлидир. Хожа Самандарнинг фикрига кўра «давлатнинг ҳалокати, емирилиши паст, очкўз кишиларнинг мансаб шоҳсупасига кўтарилишидан бошланади». Бу гапда албатта жон бор. Халқим дея яшайдиган амалдорнинг маънавий қиёфасини Хожа Самандар маҳорат билан чизади: «Азизим, Аллоҳ амалдорларга давлатни бошқариш учун қулай вазият яратди, тақдир қўли улар учун улуғлик чодирини, бахт кошонасини қурди. Бундоқ қулай бир пайтда энди барча амалдорлар шундай улуғ, азим ишлар қилишлари керакки, у халққа осойишталик, фаровонлик, дину имонга шон-шуҳрат келтирсин, дунёвий ҳаётни, маънавиятни таъриф-тавсиф этишга хизмат қилсин. Уларнинг тириклигида амалга оширган шу улкан, олижаноб ишлари ўлганларидан кейин ҳам гуноҳларини ювишга сабаб бўлсин». Бобокалонимизнинг бундан уч аср илгари ёзган ушбу сўзлари мустақил давлатимиз йилдан йилга қад ростлаб жаҳон ҳамжамиятидан ўз муносиб ўрнини эгаллаётган ҳозирги давр руҳига нақадар ҳамоҳанглигини таъкидлаш ортиқчадир. Гарчанд муаллиф ўз асарини «Дастур ул-мулук», яъни «Подшоҳларга қўлланма» деган рамзий ном билан атаган бўлсада, ундаги оқилона панд-насиҳатлар танҳо подшога эмас, балки барча амалдорлар, қолаверса, ҳар бир фуқарога қаратилган. Хожа Самандар Термизий қобилият ва ҳунарнинг қадрини баландга кўтаради: «Азизим, ҳунар аҳлини тарбиялашга саъй-ҳаракат қилгин. Одамнинг қиммати отасининг шуҳрати билан эмас, балки ўз қобилияти, ҳунари билан белгиланади». Муаллиф, шунингдек, жамиятга зарур бўлган маълумотли ва етук одамларни тайёрлаш учун таълим-тарбияга катта эътибор бериш лозимлигини уқтиради: «Азизим, қобилиятли одамларни тарбиялашни қора тупроқни олтинга, дағал тошни гавҳарга айлантирувчи кимёга ташбеҳ эт».

Хожа Самандар инсоний фожиаларни ҳам бутун изтироб-аламлари билан тасвирлаб, етук санъаткорлигини намойиш этган. Чунончи, Хуррамбий ҳожининг яхши хулқ-атвори, жисмоний ва маънавий гўзаллиги туфайли одамларнинг меҳру муҳаббатини қозонган ёш ўғли Ҳакимбийнинг оғир касалликка чалиниши, ҳокимлик лавозимида ишлаётган отанинг бемор ўғлини кўришга келиши, ота-ўғилнинг бир-бирларидан рози-ризолик сўрашишлари шу қадар таъсирли қилиб ёзилганки, китобхон қалбини ларзага солади. Буларнинг барчасини ўзбек тилида акс эттириш таржимондан ҳам катта маҳорат ва заҳмат талаб қилган, албатта. Ж. Эсоновнинг фидокорона меҳнати ва китоб нашрига ёрдам кўрсатган бир қанча маърифатпарвар кишиларнинг ҳиммати туфайли аждодларимиз томонидан яратилган дурдона асарлардан яна бири ўзбек китобхонлари қўлига етказилди. Асар таржимасига сўнгсўз ёзган А. Абдуллаев таъкидлаганидек, ўзбек тилида нашр этилгани «Дастур ул-мулук» юзасидан қилиниши зарур ишлар тугади, деган гап эмас, албатта. Ушбу нашр асар устида кенг кўламда тадқиқотлар олиб бориш, уни ўша даврга оид бошқа тарихий манбалар билан қиёслаб ўрганиш учун катта имкониятлар яратиб берди.

Мақоламиз охирида Хожа Самандар Муҳаммад Бақо Термизий меросига оид бир масалага ойдинлик киритиш ниятидамиз. Баъзи илмий адабиётларда Хожа Самандарнинг «Анис ул-фуқаро» («Фақирлар дўсти») деган асар ҳам ёзганлиги айтиб ўтилган. Шу номдаги асар Абурайҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланаётган 277-рақамли қўлёзманинг 78—108-варақларидан жой олган ва унинг охирида асар муаллифи Муҳаммад Бақо Термизий эканлиги айтилган. Ҳажман унча катта бўлмаган мазкур асарни кўздан кечириб чиққанимизда у «Дастур ул-мулук»нинг дастлабки боблари билан мазмунан жуда ўхшаш эканлиги маълум бўлди. Бундан шуни хулоса қилиш мумкин: Хожа Самандар дастлаб «Анис ул-фуқаро» номли асар ёзган. Орадан йиллар ўтгач, бу китобини қайта ишлаб, унга янги боблар қўшиб ҳажман ва мазмунан кенгайтириб, дурдона асар даражасига келтиргач, уни «Дастур ул-мулук» деб атаган.

Асомиддин ЎРИНБОЕВ
тарих фанлари доктори,
Ғулом КАРИМОВ,
илмий ходим

Ажойиб тарихлар

«ДЕВОНУ ЛУҒАТИТ ТУРК»НИНГ ТОПИЛИШИ

Туркиялик Ҳусайн Барган деган бир адабиётчи йигит билан таниш эдим. У Беҳбудий, Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Боту, Усмон Носир, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода сингари ўзбек адиблари ҳаёти ва ижоди билан шуғулланаётган экан. Унинг Туркияда чоп этиладиган «Турк адабиёти» журналида «Шоир Чўлпон» «Абдулла Қодирий», «Усмон Носир», «Абдурауф Фитрат ва Туркия», «Қатл қилинган Туркистон мутафаккирларидан Боту», «Абдулла Қаҳҳор» сингари мақолалари чоп этилган.

Бу йигит ўзи шуғулланаётган мавзу бўйича ҳар бир нарсани суриштиради, ёзувчи ҳаёти ва ижодига алоқасиздек туюлган деталларни ҳам аниқлаштиришга ҳаракат қилади. Улардан муҳим хулосалар чиқаришга интилади. Ҳусайн Барган менда Туркияда «Девону луғатит турк»нинг топилиши тафсилотларини сўзлаб берди. Ва кейинроқ менга танишиш учун «Турк буюклари» сериясида нашр қилинган «Али Амирий Афанди» номли туркча китоб совға қилди. Китобда «Девон»ни топган Килисли Али Амирийнинг ҳаёти ҳақида қизиқарли маълумотлар билан бирга «Девон»нинг топилиши, чоп этилиши тўғрисида ҳам кенг тўхтанилиб, айрим хотиралар берилган экан. Буюк асар ҳақидаги бу маълумотлар ўзбек ўқувчиларига ҳам фойдали бўлар деган фикрда биз ушбу мақолани «Девон»нинг биринчи нашрини тайёрлаган Килисли Рифат хотиралари асосида ёздик.

Али Амирий афанди бутун умрини, йиққан маблағини китоб йиғишга бағишлаган бир инсон. Турмушнинг майда икир-чикирлариданми, ёлғизликнинг узоқ йиллик таъсириданми (у оила қурмаган), бир мунча асаблари чарчаган. Кўпчилик ижод аҳлига хос бўлган ўжарлиги, қайсарлиги ҳам йўқ эмас. Лекин содда, кўнгли очиқ, ҳам ўта ишонувчан.

У ҳар куни кечқурун Диёрбакир қироатхонасига келар, ўртоқлари, ҳаммаслаклари билан кўришар, тарих, адабиёт тўғрисидаги қизғин баҳсларда иштирок этарди.

Али Амирийнинг доимий бир одати бор эди. У ҳар ҳафта эски китобларни ҳафсала билан варақлаб кўрар, мабодо ўзи учун маъқул бўлган янги бир китоб топса, дарҳол сотиб олар, 3-4 кунгача боши осмонга етиб юрарди.

Шундай кунларнининг бирида Али Амирий Бурҳонбейнинг китоб дўконига кирди, у билан бироз суҳбатлашиб ўтирди. Дўкондаги китобларни одатича титкилаб кўнгли тўлмади чоғи, «Бурҳонбейдан янги бир нарса борми?» деб сўради.

Бурҳонбей: «Бир китоб бор, аммо эгаси нархини ўттиз лира деб айтган. Бу китоб менга келганига бир ҳафта бўлди. Мен буни қиммат баҳода олар деб, маориф нозири Амриллоҳ афандига олиб бордим. У китобни билим жамиятига ҳавола этди. Жамият кўриб чиқмоқ учун бир ҳафта рухсат сўради, мен ҳам рози бўлдим. Бир ҳафтадан сўнг кирдим. Ўн лира таклиф этдилар. Мен ҳам, китоб меники эмас, бошқаникидир. Ўттиз лирадан камига бермайди, дедим. Жавобан «Биз ўттиз лирага бир кутубхона сотиб оламиз, ол китобингни, хоҳламаймиз» — дея китобни қайтардилар. Китоб эгаси билан келишган муддатимиз эртага битар эди. Эртага китобни беришга мажбурман. Кўринг, агар маъқул бўлса, сиз олинг!» деди.

Бу китоб «Девону луғатит турк»нинг ягона нусхаси бўлиб, асли молия нозири лавозимида ишлаган Нозифбейнинг мулки эди. У авлодларидан бир аёлга бериб, «Қара, сенга бир китоб бераяпман. Яхши асра! Қийналганингда китобчиларга олиб бор. Олтин пулда ўттиз лира бўлар, камига берма!» — деб тайинлаган. «Девон»ни Бурҳонбейга ўша аёл топширган.

Али Амирий китобни қўлга олиши билан, бу асар одатдагидек ўзини хурсанд қиладиган китоблардан эмаслигини, ягона қадимий нусха эканлигини, асарнинг жаҳоншумул аҳамиятини англаб етди. Бироз ҳаяжонланди. Лекин буни Бурҳонбейге сездирмади. У билан савдолаша бошлади: «Тартибсиз бир асар, ажабо, шундай эмасми? Ҳам муаллифи Кошғарли бир одам экан. Кимдир, касби нима? Аниқ эмас. Майли, қандай бўлса ҳам бир асар. Маориф 10 лира таклиф қилган бўлса, мен 15 лира бераман» деди. Китобчи эса «меники бўлсайди, берардим. Эгаси 30 лирага сотинг деган. Олмасангиз, эгасига қайтараман», деди. Шу вақтда Амирийнинг ёнида 15 лира пули бор эди. У уйига пул олиб келишга кетадиган бўлса, Бурҳонбей тамакорлик қилиб китобни бировга кўрсатиши ва сотиб юбориши ҳам мумкин. Нима қилсин? Аллоҳга ёлворди: «Аллоҳим, бир дўст юбор, менга ёрдам этсин. Мени китобдан айирма!» Мўъжизани қарангки, ҳеч қанча вақт ўтмасдан эски дўстларидан Фоиқ Рашод пайдо бўлди. Амирий ундан шивирлаб: «Азизим, бўлса менга йигирма лира бер», — деб сўради. Аммо унда ҳам атиги 10 лира бор экан. Рашодбей қолган 10 лирани ҳам уйидан олиб келиб берди. Амирий дўкончига ҳам 3 лира қўшиб «Девону луғатит турк»ни 33 лирага сотиб олди. У дўсти Рашодбей билан Саҳҳофлар чорсисидан чиқиб борар экан, «Бурҳонбей яна пушаймон бўлиб, орқамиздан югурмасин» деган таҳликали қўрқув ичида орқасига қаради. Ҳеч ким йўқ. «Оҳ... Алҳамдулиллоҳ!» — деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

«Девону луғатит турк» Али Амирийники бўлди. У асарни олиб уйига келди. Дарҳол ҳамма нарсани унутиб «Девон»нинг мутолаасига шўнғиб кетди. Бирпасда кеч бўлди. Амирий қироатхонага борди. Одатдагидек, бир давра адабиётдан, бир давра тарихдан баҳс бўлди. Амирий ўз хурсандчилигини яшира олмасдан: «— Жаноблар, афандилар! Бу кеча сиздан бир нарса сўрайман! — деди... «Девону луғатит турк» номли бир китобни кўрдингизми ёки у ҳақда эшитдингизми?» — деб сўради. У турли хил жавоблар эшитгандан сўнг «Девон»ни қандай топганлиги, унинг аҳамияти ҳақида жўшиб гапира бошлади. Гапирган сайин шодланар, ҳаяжон ва эҳтиросини яшира олмасди. «Дўстлар, сизга билдираяпман, бу китоб эмас, Туркистон ўлкасидир! Туркистон эмас, бутун жаҳондир. Турклик, турк тили бу китоб соясида бошқача равнақ топади... Турк тилида ҳозирга қадар бунинг каби китоб ёзилгани йўқ. Бу китобнинг ҳақиқий баҳоси аниқланмоқчи бўлса, жаҳоннинг хазиналари бунга тенг келолмас».

Ўша кунларда Амирийнинг хурсандчилиги тамомила бошқача эди. У ҳар бир учраган таниш-билишига, дўстларига китоб ҳақида гапирар, уни таърифлар эди.

Амирий бир ҳафтадан кейин шогирдларидан Рифатбейни ҳузурига чорлаб, «Девони»ни кўрсатди. «Мана, «Девону луғатит турк», марҳамат, мутолаа қилинг», — деди. Рифатбей эса китобни чоп қилиш тўғрисида сўз очди. Амирий: «Бу сўзни бошқадан эшитмадим, иншоллоҳ, нашр қиламиз, тартиблашни ҳам сен қиласан», дегандан сўнгра бир оҳ чекди, ранги бузилиб, шундай деди:

— Рифат, бу китоб нақадар машҳур десак, шунча юксак, нақадар қимматли десак, шунча бебаҳо. Фақат бунинг бир қусури бор. Китобнинг муқоваси чириган, устки қисми титилиб кетган, варақлари қоришган, боши, сўнгги билиб бўлмас даражада ўзгарган. Саҳифаларидаги матнларнинг таржималари йўқ, саҳифада тартиб рақами йўқ, китоб якунланганми, йўқми? Тартиб этилиши мумкинми, йўқми? Булар мени маҳзун этар. Ажабо, бекаму кўстмикан? Агар камчиликсиз бўлса, қандай бахт. Бўлмаса, вой менинг ҳолимга. У вақт бу китобнинг қаршисига келиб, ўлгунга қадар йиғлайман. Рифат, сендан илтимос қиламан. Ҳар куни кел, бир-икки соат шу китоб билан шуғуллан, камчиликлари борми, йўқми? Буни аниқла!

Рифатбей икки ой давомида китоб билан машғул бўлди. Қайта-қайта ўқиди, саҳифаларини жойлаштирди, саҳифаларга тартиб рақамини қўйди. Бу ишдан Али Амирий жуда хурсанд бўлди, ҳатто, севинчидан йиғлаб юборди.

— Рифат, бу хизматингнинг баҳоси йўқ. Уй-жой инспекциясига борайлик. Сенга уйимнинг бир бўлагини инъом қилай, — деди Амирий.

«Девон» топилганидан кейин Зиё Кўкалп ҳам ҳаловатини йўқотди. Қандай йўл билан бўлмасин асарни кўриш, ўқиш чораларини излай бошлади. Бир куни Рифатбейнинг олдига келди. Унга: «китобни кўрмоқ учун нималар қилмадим. Бу китобни ҳам олайлик, ҳам нашр қилайлик, деб ният қилдим. Бу хазинанинг калити сенинг қўлингда. Кел, менга ёрдам эт. Шу китобни қутқарайлик. Бутун туркларга армуғонимиз бўлсин. Қани, менга чорасини айт!» — деди.

Шундан кейин Рифатбей билан Зиё Кўкалп Али Амирийдан «Девон»ни олиш йўллари ҳақида маслаҳатлашишди, режалар тузишди. Али Амирий адлия нозири лавозимида ишлайдиган Иброҳимбейникига чақириладиган, у ерга ўз даврининг ҳурматли кишиларидан Талат пошо ҳам даъват этиладиган бўлди. Амирий буларни жуда ҳурмат қилар, булар ҳақида фақат яхши гапирарди. Шуларнинг ёрдамида китобни қўлга киритиш мўлжалланди.

Режа амалга оширилди. Амирий китобни берадиган бўлди. Фақат у нашрга тайёрлашни Рифатбей бажариши ва китобни бошқа кишига бермаслик шарти билан рози бўлди.

Рифатбей «Девон»ни нашрга тайёрлаш устида иш бошлади. Қўлёзма бир хил эди. Рифат уни уч жилдга ажратди. Китобга сўнгги даврдагидек тартиб берди. «Девону луғатит турк» биринчи бор уч жилдда чоп этилди.

«Девон» чоп қилингандан кейин Рифат асарни турк тилига таржима қилди. Таржимани янги маориф нозири бўлган Ризо Тавфиқбейга топширади. Бу таржима дорилфунун кутубхонасига тақдим этилади.

Орадан анча вақт ўтиб, Туркия Буюк Миллат Мажлиси «Девону луғатит турк» асарини таржима қилиниши масаласини кўриб чиқади. Ва бу иш Солиҳ Рашотбей ва Туркия миллий мадҳиясини ёзган шоир Меҳмед Акиф зиммасига юкланади.

Газетадан бу хабарни ўқиган Рифатбей Солиҳ Рашотга, мен ҳам асарни таржима қилганман, 22 дафтардаги қўлёзма дорилфунуннинг кутубхонасида сақланмоқда. Олдириб ўқинг, лозим топсангиз, менинг номимни ҳам табаррук номларингиз қаторига қўйинг, деб мактуб ёзади.

Бир ҳафтадан кейин Солиҳбей Рифатнинг таржимасини ўзи ва Меҳмед Акиф ўқиганликлари, таржима уларга жуда маъқул бўлганлиги, шу таржиманинг бостирилиши ҳақида Рифатга хат ёзиб юборади.

Бу орада тил, адабиёт масалалари билан шуғулланувчи Тил жамияти ташкил қилинади. Жамият яна Рифатдан «Девон»ни айнан ўзидек эмас, фақат луғатларини таржима қилиб беришни сўрайди. Рифат асарни иккинчи марта таржима қилган. Тил жамиятининг бош котиби Рашит Ғалип картотекаларни «Девон»нинг олмон тилидаги Броккелман таржимаси билан солиштириб кўришни талаб қилади. Рифат олмон тилини билмасди. Бу иш тил тарихчиси Аҳмадбей зиммасига юкланган.

Орадан анча вақт ўтиб, Рифат Долмабоғча саройга таклиф қилинади. Уни саройда Иброҳим Нажмибей ва Босим Аталай қабул қиладилар. Улар Рифат таржимасининг асли нусхасини топа олмаганликлари, шу сабабли «Девон»ни янгидан таржима қилиш зарурлигини Рифатга таклиф қиладилар. Рифат яна рози бўлади. Бироқ улар ўзаро хизмат ҳақига келиша олмайдилар. Шундан кейин «Девону луғатит турк»ни Босим Аталай таржимасида чоп қилинади. Шундай қилиб, XI асрда битилган қомусий асар XX аср илмий жамоатчилигига маълум бўлди. Унинг асосидаги тадқиқотлар бошланди.

Жўра ХУДОЙБЕРДИЕВ,
ТошДУ ўқитувчиси.

ХУДОЁРХОН САРОЙ-МУЗЕЙИ

Тилсимлар

XIX асрнинг муаззам обидаларидан бўлмиш Худоёрхон ўрдаси Туркистон заминида сақланиб қолган учта сарой мажмуасидан биридир. Уларнинг яна бири Хивадаги «Тошҳовли» саройи, иккинчиси Бухоро «Арк»и ҳисобланади.

Қўқон хонлиги даврида (1709—1876 й.) хонлар тарафидан етти марта сарой қурдирилган. Замона зайли билан уларнинг олтитаси йўқ бўлиб кетган. Худоёрхон ўрдаси эса еттинчи — охирги сарой бўлиб, унинг кичик бир қисми бизгача етиб келган. Сиз кўп бора эшитадиган, ҳозир ҳам баъзи мавзеларни номлашда қўлланиладиган «Ўрда» атамасининг маъносига эътибор бериб кўрганмисиз? Дастлаб бу сўз давлат, салтанат маъноларини билдирган, аста-секин бу маъно «давлат бошлиғи қароргоҳи» тариқасида ўзгарган. Демак, ўрда — хон қароргоҳи деганидир.

Манбаларда таъкидланишича, Худоёрхон ўрдаси ўрнида Саййид Муҳаммад Умархон томонидан қурдирилган «Зарринсарой» номли ўрда бўлган экан, 1842 йилда Қўқон-Бухоро уруши оқибатида ушбу гўзал иншоот бузилган.

Саййид Муҳаммад Худоёрхон ўз ҳокимиятининг дастлабки йилларида «Жаҳонаро» саройида истиқомат қилган. Мазкур сарой давр талабига жавоб бермай қолганлиги ҳамда бу ерда отаси ва акаси ўлдирилганлиги туфайли Худоёрхон унда истиқомат қилишни маъқул кўрмай, Зарринсарой ўрнида янги ўрда биносини қурдиришга фармон беради. Ўтган аср эллигинчи йиллари охирида бошланган қурилиш ишларига саркор этиб машҳур меъмор Мир Убайдулло Муҳандис Хўқандий тайинланади. Шунингдек, донгдор усталардан Усто Абдулло Рошидоний, Муҳаммад Турдиали, уста Фозилхўжа, Исавой Махсум, Мулло Аҳмад Домулло, Муҳаммад Олим сирчи ва бошқалар жалб этилган.

Дастлаб ганчдан саройнинг кичик нусхаси (макети) тайёрланади ва хон томонидан тасдиқланади. Худоёрхон вақтинча тахтдан кетгандан сўнг, қурилиш ишини Султон Саййидхон бироз давом эттирди.

1865 йил Худоёрхон тахтни қайта эгаллагач, қурилиш кенг кўламда давом этиб, 1870 йилда якунланди.

Худоёрхонга бу саройда беш йилгина яшаш насиб этди. 1876 йилда Қўқон хонлиги Русия томонидан босиб олингандан сўнг, ўрданинг пастки қисмлари бўлиб ташланиб, ўрнига ҳарбий қалъа қурилди. Ўрданинг қолган қисми шаҳар гарнизони ихтиёрига берилган. Бинонинг юқори қисми ҳам аста-секин бузилиб, 114 хонадан атиги 19 хона сақланиб қолган. 1920 йилларда бу ерда қашшоқлар қўмитаси, қўшчилар союзи каби идоралар ўрнашган.

1924 йилда бу ерда Фарғона вилоят қишлоқ хўжалиги ва саноат кўргазмаси очилиб, кейинроқ шу кўргазма асосида музей таъсис этилди.

Музей жойлашган ер-майдон 1 гектарни ташкил қилади. Айни пайтда музейда жами бўлиб 6 та бўлим фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, учта шўъбаси (Ҳамза Ҳакимзода, Муқимий, Қодиржон Ҳайдаров уй музейлари ҳам мавжуд.

Ҳозирда музейнинг ички ва ташқи қисмларида жиддий таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Унда «Меъмор» илмий ишлаб чиқариш корхонасининг таниқли ўймакор ганчкор усталари, «Унр-705» қурилиш ташкилоти қурувчилари «ЙКБ» йўлсозлик ташкилоти йўлсозлари, «Қўқон-нур» корхонаси нурчиларидан жами 50 дан ортиқ турли хил касб эгалари хизмат қилмоқда. Йилнинг охиригача уни тўлиқ таъмирдан чиқариш режалаштирилган.

Зиёда ДАДАХЎЖАЕВА
Фарғона



Суратларда: Худоёрхон сарой-музейи; япониялик меҳмон Кенки Хагинойа (чапдан биринчи) ва шаҳар меъмори Мухторжон Раҳимов (ўнгда) ёдгорлик мажмуида.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар.

ТИРИКЛИК ТОШИНИ НИМА ЕНГАДИ?

Имон ҳаловати

Тарозунинг икки палласи бўлади. Қачонки, иккиси тенг келса, кўнгил ҳам рози, ҳақ ва ҳақиқат ҳам розидир. «Тарозу» сўзининг ўзида «розу», кўнгил розилигига, кўнгил тўлишига ишора бор. Халқимизда:

— Розиликда гап кўп. Кўнгил норози бўлдими, бир хатар бор дейишади.

Инсонларнинг бир-бирларидан розилиги савобга эришиш эмасми? Савобнинг ўзи нима? — деган саволнинг ўзи турмуш денгизида, кўнгилда тўлқин уриб, гоҳ кўзимизни мошдек очиб, гоҳ қаршимизда катта сўроқ бўлиб туради.

Бувим савоб ҳақида бир ҳикоя қилиб берган эди:

— Бир куни учта қадрдон дўст адолатсиз салтанат зулмидан қочиб, узоқ хилват ғорга яширинибдилар. Тасодифан тоғдан тошлар юмалаб катта харсанг ғор оғзини беркитиб қўйибди. Улар тошни жилдириш учун узоқ уринишибди. Ҳаракатлари беҳуда кетибди. Шунда улардан бири:

— Эй дўстлар, нега ҳаракатларимиз зое кетяпти. Дунёда «савоб учун Аллоҳ йўлида» деб бирорта хайрли иш қилганмизми ўзи? Бир ўйлаб кўрайлик-чи? Зора ўша савобли ишимизни ўйлаб, Ҳаққа илтижо қилсак, йўлимиз очилса, — деб шерикларига далда берибди.

— Савоб учун ростдан ҳам нима иш қилганмиз? — деб йигитлар ўйланиб қолишибди. Ниҳоят улардан бири шундай дебди:

— Менинг кекса отам, онам бўларди. Мен уларни ҳар куни фарзандларимдан ҳам олдин кўриб зиёрат қилишга ошиқардим. Кейин биринчи бўлиб уларни овқатлантирардим. Ундан кейин фарзандларимга қарардим. Бу юмушни чин дилдан бажарардим. Зора шу ишим савобга ёзилган бўлса...

У ўз ҳикоясини тугатиб, йўлни тўсган тошга «йўлимизни оч» деб илтижо қилганча, тошни итарибди. Тош озгина силжиб, қоронғу ғорга нур тушибди.

Кейин иккинчи дўст сўз бошлабди:

— Мен гўзал бир малакка ошиқ бўлдим. Отаси қизини менга беришга рози бўлмади. Мен қандай бўлмасин, қизнинг висолига етиш орзусида ёндим. Бир кун унинг ёнига бориб ношаръий яқинлашмоқчи бўлдим. Шунда қиз астойдил йиғлаб нидо қилди:

— Ҳеч бўлмаса Аллоҳни унутмайлик. Бу ишингизни ҳеч ким кўрмаётган бўлса ҳам Аллоҳ кўриб турибди, ундан қўрқайлик, — деб осмонга қаради.

Менга инсоф кирди. Мен ўзимни тийдим. Зора, шу ишим савобга ёзилган бўлса...

Иккинчи дўст ўз ҳикоясини тугаллаб, тошни куч билан итарди. Тош анчагина силжиди.

Навбат учинчи дўстга келди.

— Эшигимизда ишлайдиган чоракоримиз бўларди. Бир куни у кетадиган бўлиб қолди. Хизмат ҳақини берсам:

— «Сизда туриб турсин, қайтиб келганда оламан», — деди. Мен рози бўлдим. Ва хизматкоримнинг ҳаққига қўй олиб, ўзимнинг қўйларимга қўшиб қўйдим. У кўпайиб-кўпайиб бир гала бўлди. Орадан йиллар ўтиб хизматкор ҳаққини сўроқлаб келди. «—Ана, ана шу қўйлар ҳаммаси сеники» дедим. У ишонқирамади. «Рост», — дедим-да, олдига солиб қўйларни ҳайдадим. Мен хизматкорнинг бир тийинига ҳам хиёнат қилмадим. Зора, шу ишим савобга ёзилса...

У ҳам умид билан тошни итарди. Тош силжиб, катта йўл очилди...

Энди ўйласам, бувим бу ҳикоясини бизга бекорга айтмас экан. Бизни оқибатга, инсофга, бировнинг ҳаққидан ҳазар қилишга чорларкан.

Бувимнинг ҳикояси мени ўйга толдиради. Ўзимга ўзим савол бераман.

Мен-чи, эй, дўст, мен нима қилдим? Савоб палласига қайси юмушимни қўяман? Бирорта савобли иш қилдимми? Ёки фақат ўзимни ўйлаб яшадимми? Ота-оналарим учун фарзандларимдан ҳам илгарироқ уларни ўйлаб, уларга нималарнидир илиниб, чопқиллаган пайтим бўлдими? Инсофни унутиб, кимнидир қақшатиб ёки дилини оғритиб қўймадимми?

Кимнингдир ҳаққига кўзимни олайтириб, икки ямлаб, бир ютиб кетмадимми? «Бировнинг ҳаққи» дегани ўзи нима? Бу иборанинг мағзини чақиб, бировнинг ҳаққидан ҳазар қиламанми?

Мен савоб палласига қайси юмушимни қўя оламан?

Инсон ўзини дилдан ростгўйлик билан тафтиш қилганда, жавоб топиш осон эмас экан. Ўша савоб палласига арзигулик юмушни бажариш учун шошилиш кераклигини ҳис қиламан. Ахир, умр чегараланганку! Савобга етиш учун улгурмоқ керак.

Ҳеч бўлмаса, савобли ишлар қилаётган дўстларимизнинг хайрли ишларидан ёзайлик. Зора, гуноҳи азимларимиз силсиласи озгина бўлсада пасайса...

Матлуба ДЕҲҚОН қизи
ФАРҒОНА

МУҒАННИЙ ДИЛИДА УЗАТУР...

Турғун АЛИМАТОВГА

Минг ниқобда қизил истибдод
Юрт аслига чанг солган йиллар
Тангри берди минг бир навода
Душман қўли етмас манзиллар.

Тинганда ҳам оққан дарёлар,
Оқаверди тинмас куйингиз.
Таралганда ҳар жангда ғолиб
Турон бўлди кўнгил уйингиз.

Оҳанг лашкарлари ҳисобсиз,
Ватан қалбин асрайвердингиз.
Пардаларда юракка куйиб
«Унутма, миллатсан» — дедингиз.

Бизга боққан ёғий кўзларга
Бехато ўқларни узган — сиз.
Ўзлик қонин оқизганда ёв
Чертимларда жон оқизган — сиз.

Яратганнинг нақшин қалами
Наводир, кўнгилни безатур.
Худо қудратини эҳтимол
Муғанний дилида узатур.

Турғун Алиматнинг танбурин
Енгиб бўлмас мангу созкўрғон.
Ҳақ кўнглидан яралган гўё
Тақдир куйин чертиб ўтирғон...

ДИЛОРОМ ҚЎЗИЖОН қизи

ЕТТИНИНГ ЕТМИШ ҚАТИДАН

Уруғ ердан етти марта калима қайтариб чиқади.

* * *

Бола етти ёшга етгунча ердан таёқ ейди (қоқилиб-йиқилиб катта бўлади).

* * *

От олти оғизда, йигит етти оғизда («оғиз» — ошам маъносида. Тез овқатланишга ишора қилинмоқда).

* * *

Кишига давлат етти йилда бир келади.

* * *

Йигит етти ишнинг бошини бир тутади.

* * *

Ерни етти ағдариб эк. (ағдариб-шудгор қилиб).

* * *

Етим — етти ованинг боласи (ова-маҳалла, ҳар кимдан бир таёқ ейди маъносида).

* * *

Кўнгил беришган бир-бирини етти йиллик йўлдан танийди.

* * *

Еттидан етмиш ҳикматни бил.

Қадим илмлар зиёси

МУНОФИҚЛИК АЛОМАТЛАРИ

Абуҳурайра ривоят қилурким, пайғамбар алайҳиссалом дедилар: «Мунофиқнинг аломати учта бўлади — сўзлашда ёлғон гапиради, ваъда берса, унга хилоф иш тутади, амин (омонаткор) деб танилса, хиёнат қилади».

Инсон ўз маънавий томонлари айниқса, ахлоқий фазилатлари билан барча мавжудот ичра ўзига хос юксак ўринда туради. Еб-ичиб яшаш ва оқибат ўлиш барча жонли мавжудотларга хос бўлса, тафаккур билан ижод қилиш, дунё юзини маъмурага айлантириб ободонлаштириш, илму фанни ривожлантириб «мадинайи фозила» (юксак маданиятли жамият) қуриш фақат инсонга тегишли фазилат ва имконият ҳисобланади. Негаки, холиқ уни ер юзида халифа (ўринбосар) қилиб яратган ва кароmат (мукаррамлик) тожини унинг бошига қўйган.

Азалда Аллоҳ фаришталарга хитобан «мен ер юзида бир халифа (ўринбосар) яраткумдур» деганда, малоика бир овоз билан «... ер юзида бузғунчилик қиладиган ва қонлар тўкадиган кимсаларни яратасанми, ҳолбуки бизлар сенга ҳамду санолар айтиш билан сени улуғлаймиз ва номингни пок тутамиз» деб таажжубланган эдилар. Ўшанда Яратувчи: «...инний аъламу мо ло таъламўн» (...мен шундай нарсаларни биламанки, сизлар билмайсизлар) деган эди.

Ўшанда фаришталар инсоннинг салбий томонлари, яъни шайтоний хусусиятларини билиб, ижобий томонлари, яъни Раҳмоний хусусиятларини сезмаган эдилар. Уларга маълум эмас эдиким, ер юзида яратувчининг халифаси бўлмиш ҳазрати инсон, албатта, айтиб ўтилган олий сифатларга, яъни Раҳмоний хусусиятларга эга бўлиши керак эди. Уларсиз инсонга топширилган буюк вазифалар бажарилмай қолиб, натижада ҳаёт ривожланиш, ер юзида илму фан ўсиши, ажойиб тамаддунлар юзага келиши ва коинотнинг бир қатор сир-асрорлари очилиши имконсиз бўлиб қолган бўларди.

Ҳазрат Муҳаммад (С.А.В)га Яратувчининг сўнгги элчиси сифатида инсоний жамиятни юксаклик ва олий фазилатларга йўналтириш вазифаси топширилган эди. Жаноб пайғамбаримизнинг ўзи менга муаллимлик вазифаси топширилган деб ишора қилган эдилар. Албатта, муаллим ва мураббий ҳаммадан аввал ўзи талқин этадиган фазилатларга эга бўлиши лозим эди. Қуръони каримда «дарҳақиқат, сен буюк ахлоқий фазилатлар эгасисан» деб таъкидланганi шундан дарак беради.

Мазкур олий фазилатлар нималардан иборат эди? Уларнинг энг муҳимлари ягона Аллоҳга ишониш билан, унинг йўл-йўриқларига содиқлик, чинсўзлик, илму фанга чанқоқлик, ўз сўзида туриш, ишонарли, омонатли, меҳру оқибатли бўлиб, мискин-ожизларга ёрдам кўрсатиш, барча инсонлар, айниқса, ўз миллати, ўз халқини севиш, ватанни ардоқлаб, унинг ҳимояси учун фидоий бўлиш ва бошқа кўп фазилатлардан иборат эди.

Ислом пайғамбари «ватанни севмоқ иймондандур» деган ҳадис билан ватанпарварликни иймоннинг ажралмас қисми деб баҳолаган эдилар.

Бошқа бир ҳадисда ҳақ элчиси «мен ахлоқий фазилатларни мукаммаллаштириш учун юборилганман» деб таъкидлаш билан бирга анча ахлоқий юксак фазилатларни ўз ҳадисларида акс эттириб, одамларга уларни эгаллаб олиб, салбий хислатлардан узоқлашишни тавсия қилганлар.

Имом Бухорий ривоят қилган юқоридаги ҳадисда, мунофиқликнинг инсоний ахлоқ ва одобга зид бўлган учта асосий белгиси кўрсатиб ўтилади.

Биринчиси шундан иборатким, мунофиқ киши гапга ҳар доим ёлғон аралаштиради, чин сўз қадрини билмайди, чин воқеликни яширади, бошқаларга зарар етказишга уринади.

Ёлғончилик барча дин ва мазҳаблар ва умуман ахлоқий мактабларда ёмон ва кечириб бўлмайдиган салбий хислат сифатида қораланиб, таъқиқланиб келган. Бир ривоятга кўра ислом пайғамбари ёлғончи менинг умматимдан эмас деган эканлар. Мазкур ҳадис мазмунини Хожа Аҳмад Яссавий ўзига хос услубда қуйидагидек ифодалаган;

Ал-каззоб ло умматий деди билсанг Муҳаммад,
Ёлғончилар қавмини, уммат демас Муҳаммад.

Иккинчиси, «ваъда хилофлик», яъни бировга ваъда бериб унга хилоф иш тутиш, ўз сўзи устида турмасликдан иборат. Бу эрлик (мардоналик)ка ёт хислат. Бу, нафси заиф, эътиқод ва иродаси кучсиз кишиларга хос бўлиб, инсонга қадрсизлик, хўрлик келтиради.

Мунофиқликнинг учинчи аломати омонатга хиёнат қилишдир. Бундай салбий хислат одамнинг қадр-қимматини тушириб, халқ ичида уни эътиборсиз қилади, жамиятдан уни ажратиб ҳеч ким ишонмайдиган даражага олиб боради. Бундай хислатнинг одамларда кўпайиши жамиятнинг инқироз ва тубанлик томон йўл тутиши учун замин яратади.

Мисол: ватанни ҳимоя қилиш авлодларга чуқур ишонч асосида омонат деб топширилади. Шунингдек, турли ижтимоий хизматлар, давлат вазифалари, мартабалар ҳаммаси давлат ходимлари ва халқ вакилларига топширилган омонатлардан иборатдир.

Баъзан нафси тубанликка тушган кимсалар ватан ва халқ олдида ўз масъулиятини сезмай, уларга билдирилган ишонч ва топширилган вакoлатни суиистеъмол қилиб, бир қатор қинғир ишларга қўл уриш билан уларга ишонилган омонатга хиёнат қилган бўладилар. Амонатга хиёнат одамларнинг шахсий ҳаётида ҳам ижтимоий ҳаётда ҳам катта зарарлар ва хатарлар омили бўлиши мумкин.

Мунофақат икки юзламачиликдан иборат бўлиб, ўзини, юракда сақлаган ички қасд ва ниятларига хилоф шаклда безатиб кўрсатадиган киши мунофиқ деб айтилади.

Юқоридаги ҳадисда зикр этилган мазкур учта хислат мунофиқ кишиларнинг жуда кўп салбий хусусиятлари жумласида энг ёмонлари ҳисобланади.

Мунофиқ кимсалар ҳар бир жамиятда мавжуд бўлиб, уларнинг фаолиятлари ниҳоят ёмон оқибатларга олиб боргани тарихий манбаларда қайд этиб қолдирилган. Биринчи ислом жамоаларида мунофиқлар жуда кўп салбий рол ўйнаб, давлат ва одамларга жабийра қилиб бўлмайдиган зарарлар етиштирган эдилар. Шу сабабли икки юзламачи мунофиқлар Қуръони карим оятларида ўттиз бешдан кўпроқ ўринда қораланиб, моҳиятлари очиб ташланган ва улар турли жазоларга лойиқ, деб топилган. Масалан, 4-суранинг 146-оятида «албатта мунофиқлар дўзахнинг энг тубан жойида бўлурлар ва улар учун мададкор топа олмайсан» деб таъкидланади, 138-оятда «— Эй Муҳаммад, мунофиқларга улар учун аламли азоб борлигини башорат бериб қўйгил», дейилади.

Умар ибн Хаттоб ривоятига биноан ислом пайғамбари «Мен ушбу уммат учун ҳикмат тили билан гапириб, аммо амалда жабру зулм қиладиган мунофиқлардан қўрқаман» деган эканлар.

Содиқатли ва чин сўзли бўлиб, ўз сўзи устидан чиқиш ва амин (омонатдор) бўлиш олий сифатлардирким, чин инсон моҳияти ва характерининг кўзгуси ҳисобланади. Бундай инсонларга ҳам шахсий ҳаётида ва ҳам давлат ишлари бўйича ишониб, қайси бир соҳада бўлмасин, ниҳоят муҳим ишларни уларга топшириш мумкин.

Моддий ва маънавий ҳаёт бирбири билан уйғунлашиб ривожланган ва аъзолари кучли иймон ва эътиқодга эга бўлган жамиятда айтиб ўтилган олий фазилатларни ташувчи инсонлар кўпайиб боради ва «маданий фозила» яъни демократик меъёрлар ва юксак маънавий қадриятларга асосланиб ривожланган фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш учун муносиб шароит юзага келади.

АБДУЛҲАКИМ ШАРЪИЙ ЖУЗЖОНИЙ

Руҳий ҳаловат сеҳри

БИЗГА НИМА ЗАВҚ БЕРАДИ?

Дунёга машҳур бир балеринани таъриф-тавсифлаб «ер узра кўтарилган булутдек муаллақ учади», дейилганди бир мақолада. Бизнинг рақсимизда эса, айни шу ҳолат жамики сайъ-ҳаракатларни пучга чиқариб юборади. Рўйи заминдан иккала оёқ салгина узилдими, бас—рақс тамом. Томошабиннинг ундан ихлоси қайтади. Зеро, хоҳ рақсда бўлсин, хоҳ мусиқада бўлсин, хоҳ рангларда бўлсин — ҳамма нарсада уйғунлик — гармонияга амал қилинади, табиатда ҳам бу гапнинг яққол намуналарини кўрамиз. Мен бу гапларимни «Меҳнат»газетасининг 1995 йил август сонларидан бирида ёзиб чиққан эдим.

Вақт ўтиб, қолиб кетмасайди дейман. У билан «МТ»нинг бугунги зиёли ўқувчилари ҳам ошно бўлсалар эди деб орзу қиламан.

Ўрик тупи ёз билан хайрлашаётганида барглари шундай ранго-ранг товланадики, кўз уни қайта-қайта кўришдан толмайди: қизили қизғишига, ундан сарғишига ва ниҳоят тиллойи тусга уйқаш ўтиб боради ва шу билан битмас-туганмас гўзаллик, нафосат касб этади. Баҳорда эса яна шу ўрикнинг гули, шафтоли гули ҳам айни шу тахлитдаги гўзаллиги билан кишини ошуфта қилади.

Атласда ҳам шу нарса акс этган. Унда ҳам гул ранглари қирғоғига ўтган сари туссизланиб бориши орқали чиройли кўринади. Бунга ипакни абрбанд усулда бўяш йўли билан эришилади. Кун ботиш — шафақ олдидан паға булутлар товланиб нақадар кўркли бўлади. Бу вазият кишига олам-жаҳон завқ бахшида этади-я. Шоҳи тўқувчи усталар ана шу булутни — абрни банд этиб, яъни боғлаб, атлас деб аталмиш шоҳига ўтказганлар. Ипак ип ливитларининг тегишли жойлари бўёққа ботириб олинади ва бўёқ шимилиб ёйилар экан, аста-аста туссизланиб боради. Энди шундай ипакдан тўқилган атлас гули қўшуйғунлик — бир ранг бирдан иккинчи хил рангга ўтмаслиги туфайли, иккинчидан эса бўёқ теккизилган жойнинг чети ҳам рангпар бўлиб тугаши туфайли ўша кунботардаги булут сингари беинтиҳо гўзал бўлиб кўринади.

Бир вақтлар қайсидир фабрика атлас нусха крепдешин тўқиб тайёрлаб чиқара бошлаганди. Бу крепдешиндаги «атлас гуллари» босма усул билан туширилганди. Абрбанд эмасди, албатта. Шу сабабдан ҳам, бу шоҳи ёқмади — «сув йўғида таямум» эди, «ўгай гул» бўлиб қолаверди.

Аслида атама камалакбанд, ёки ейбанд бўлиши керак эди-ю, лекин айтилиши «ўхшовсизроқ» чиққани учун ихчами—абрбанд олинган бўлса эҳтимол.

Қарийб минг йилдан бери инсонга завқ-шавқ бағишлаб келаётган «мақом» мусиқамизнинг сирларидан биттаси оҳанглар вобасталигидан иборат эмасмикин? 50-йиллар Парижда Франция парламентининг аъзоси Пер Кот таҳририда русчаси «В защиту мира» деб аталадиган ихчам бир журнал чиқарди. Шу журналда шарқ мусиқасига бағишлаб берилган бир мақолада айтилган эдики, «шарқ мусиқаси биз учун бир чет тилдек гап. Уни тушуниш учун шу тилни ўрганиш керак».

Зотан мақомнинг оҳанг ритми — зарблари ва унинг ашулаларига замин бўлмиш шеърларнинг арузий вазни юрак уриши билан муштарак бўлганлиги сабабларидан ҳам киши вужудига уйғунлашиб кетмаганмикин?

Шу жиҳатлардан ҳам бизга баъзи «ғарб музикалари» гарчи ғайратли зарблар асосига қурилган эса-да мусиқа эмас, балки бир шовқиндан иборат бўлиб туюлар.

Замонамизнинг хушнавоз созандаларидан Ғуломқодир Қўчқоров дутор чалганида муассир куйлардан киши эриб симобдек бўлиб қолади, ўша тобда бутун тарих — аждодлар кўз ўнгингизда намоён бўлади. Ўзингизни ўша азизлар билан мулоқотда тургандек ҳис этасиз. Чунки бу куй ўшалар замонида ижод этилган. Уни ўшалар ҳам худди биздек туриб тинглашган...

Радиода дутор чалинаётган бўлса зарбларига қараб ким эканлигини ажратамиз — Ғуломқодир акани дарров таниб оламиз. Ана шу ҳаловат сеҳри нимадан эканлигини кўп ўйлаб ўйимиз охирига сира-сира етолмадик. Бошқа ҳеч ким ҳам айтолмади. Ахийри бунинг сирини ўзлари айтиб бердилар. «Торга тирноғимни тегизмай — бармоқ эти билангина чаламан», дедилар.

Юрак пардалари нозик нарса. Шунинг учун ҳам, бу тахлитда нозик чалинган куй—оҳанг унга чиппа бориб ёпишса керак, дилга уйғун оҳанг, юрак қиллари билан дутор қиллари беозор уйғунлашиб кетса керак.

Мавлоно Чўлпон ҳам бежиз айтмаган:

Мен дутор билан туғишган
кўҳна бир девонаман,
Ул туғишганим билан бир
ўтда доим ёнаман.

Шарафиддин КЎНЧИ

Ҳунармандлар ўз ижодий меҳнатлари билан ҳамиша гўзал миллий анъаналаримизни ҳаётга киритиб, миллат руҳиятига тириклик бағишлаб келадилар.

Республика «Ҳунарманд» уюшмасининг Ургут тумани бўлимида 50 дан зиёд турли хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Унда 150 киши фаолият кўрсатади. Эндиликда бу ерда келин-куёвлар либосининг қадимий нусхаларини тайёрлаш йўлга қўйилди. Шунингдек, қадимги ва ҳозирги нусхаларни уйғунлаштириб тикилган келинлик кийимлари ҳам тикилмоқда. Тикувчилик цехи бошлиғи модельер Одила Сатторованинг орзулари, миллий истаклари либосларга кўчгандай.

Суратда: «Ҳунарманд»нинг келинлик либослари.

ОЛМОС ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛАДИ?

Жанубий Африка республикаси жаҳонда олмос қазиб олиш бўйича биринчи ўринда туради. Айтишларича, энг яхши бриллиант (биллур) Жанубий Африка олмос тошларидан олинар экан. Олмоснинг ўзи қандай қилиб пайдо бўлади ва қандай қилиб ундан бриллиантлар ясалади?

Бу саволга жавоб излаб олимларнинг қимматбаҳо тошлар ҳақида ёзганларини кўриб чиқдик.

Маълум бўлишича, олмос геологик мўътадил (континентал) ерларда чуқурлиги 80-200 км иссиқлик ҳарорати 1100-1300 оС да бўлган жойларда учрайди. бундай жойларда босим кучи ҳам каттагина бўлиб, 35-50 килони ташкил этади.

Бир неча миллиард йиллар чуқурликда туриб олмослар трубка шаклига кириб қолади. Бу трубкалар минерологлар тилида «кимберлит» деб аталади. Аслида бу тушунча ЖАР нинг Коп провинциясидаги Кимберли деган кичкина жой номидан келиб чиққан. Ҳозирда бу шаҳарнинг 150 минг аҳолиси бўлиб, олмос қазиб олишда дунёда катта марказлардан бири ҳисобланади.

олмослар Евро-Осиё қитъасида Ёқутистонда яқинда топилган. Қимматбаҳо тошлар сочилган ҳолатда қазиб олинади

Бриллиант оғирлиги граммлаб ўлчанмайди, балки қаратда ўлчанади. Бир қарат 0,2 грамм ёки 200 миллиграммга тенг. Бриллиантни баҳолаш «Таверни қоидаси» бўйича ўтказилади: кристалли квадрат шаклидаги биллур бир қарат баҳоси орқали белгиланади. Вазни 25 қаратдан ортиқ бўлган бриллиантларга махсус ном қўйилади. Тарихда энг катта олмос кристалл бўлаги шаклида топилган. Бу Жанубий Африкада 1905 йилда рўй берган. Унинг оғирлиги 3106 қарат бўлган. Унга «Кулинан» деб ном беришди, ундан тўққизта катта ва 96 та кичкина бриллиант ясалган.

ТУРКЛАР ГЕРМАНИЯДА

Германияда жуда кўп турклар яшайди. Улар бу ерга иш қидириб келиб қолишган ва неча йиллардирки, шу ўлкада қолиб кетишган. Албатта, улар Германия фуқаролигини олишни исташади. Лекин бу нарса уларнинг қўлидан келармикан?

Германияда 81,8 миллиондан ортиқ аҳоли яшайди, шулардан 7,5 миллиони хорижликлар ва 2 миллиондан ортиқроғи турклардир. Улар асосан немисларнинг ўзлари ишламайдиган жойларда хизмат қилишади. Уларни Германияда гастарбайтерлар («меҳмон ишчилар») деб аташади. «Меҳмон ишчилар» бу ерда ватанларига қараганда кўпроқ иш ҳақи оладилар. Олган пулларининг салмоқли қисмини Туркияда яшайдиган оилалари учун жўнатадилар.

Кўпгина турклар Германияда муқим қолиб яшашни хоҳлашади. Лекин бунга эришиш осон эмас. Германия фуқаролик қонунида қондошлик ҳуқуқи тушунчаси киритилган. Бу одамнинг қаерда туғилгани ва қаерда яшашини аниқламайди. Балки унинг туғишганлари қаернинг фуқароси эканлиги аниқланади. Шундай қилиб, хорижликларнинг Германияда туғилган фарзандлари Германия фуқаролигини ололмайди, балки ота-онасига мансуб фуқароликни қабул қилади.

Агар аралаш никоҳдан туғилган фарзанд бўлса, улар иккиёқлама фуқароликни олиши мумкин.

Яқинда мухолиф партия бундестагда янги қонун лойиҳаси билан чиқди. Бу хорижликларга озгина бўлса-да ёнбосадиган қонун лойиҳаси эди. Бунга Кол бошчилигидаги партия ҳамда умумий матбуот ташкилоти қарши чиқди. натижада овозга қўйиш вақтида бу қонун лойиҳасига 20 овоз етмай қолди. Ҳозирча қонун чиқарувчи орган ҳамда жамоатчилик фикри Германияда фуқаролик ҳақидаги қонунчиликни либераллаштирмоқчи. Лекин Германияда яшовчи ва ишловчи туркларнинг у ерда муқим бўлиб қолиши жуда мушкул.

БЎЛИҚ АЁЛЛАР ЖОЗИБАСИ

Араблар гўзаллар маликасини танлашда нафақат уларнинг ҳусни-жамолини, балки уларнинг вазнини ҳам аҳамиятга оладилар. Аёллар қоматига бўлган муносабат арабларда аччиқ кўчманчилик ҳаётидан келиб чиққан. Оламни кезувчи чорвадорлар бўлиқ, бақувват хотинлари билан фахрланар эдилар, чунки уларнинг бўлиқлиги ўзларининг омадли эканлигидан гувоҳлик берар экан. Араб ярим оролида ҳам давр ўзгарди, лекин эскича урф-одатлар сақланиб қолди. Эркаклар ҳалигача тўла ва оғир вазнли аёлларни ёқтиришади. Ҳозирда Араб қирғоқлари, Форс кўрфази, Қувайт ва БАА «мадонналари» гўзаллик талабида олдинги ўринни эгаллаб туришибди.

Қувайтликларнинг фикрича, Қувайт аёллари бу талабга жавоб беришда араб давлатлари аёллари ўртасида биринчи ўринни эгаллашади. Амирликда олимлар томонидан ўтказилган статистик маълумотга қараганда, 13 ёшдан ошган гўзал қизларнинг 71 фоизи бўлиқ вазнга эга. Бу нисбат Баҳрайнда 66, Саудияда 65, Қатарда 62 фоизни ташкил этади.

Хориж матбуоти асосида Миркомил СОДИҚОВ тайёрлади.

Миллий Тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г —0520.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Холида ИСЛОМОВА.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 19.40

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 133-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Тоҳир ШОМУРОДОВ.